МЕҲНАТИМИЗ, ҚАЛБИМИЗ СЕНГА, ПАРТИЯ!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

43-йил чиқиши
№ 243 (11.992)

Якшанба, 15 октябрь 1961 йил

Баҳоси 2 тийин



Иллюстрацияни Н. Меҳмед чизган.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1961 йил 14 октябрда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлди.

Пленум қуйидаги масалаларни муҳокама қилди:

1. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXII съездига ҳисоботи тўғрисида.
2. КПСС Программаси проекти муҳокамасининг якунлари тўғрисида.
3. КПСС Устави проекти муҳокамасининг якунлари тўғрисида.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми муҳокама қилинган масалалар юзасидан Н. С. Хрушчев ва Ф. Р. Козлов ўртоқларнинг докладларини тинглади.

Пленум тегишли қарорлар қабул қилди, бу қарорлар қуйида эълон қилинади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИГА ҲИСОБОТИ ТЎҒРИСИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1961 ЙИЛ 14 ОКТЯБРДАГИ ҚАРОРИ

(БИР ОВОЗДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН).

КПСС Марказий Комитетининг Пленум қараб чиқиши учун тақдим қилинган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXII съездига ҳисоботи тасдиқлансин.

КПСС ПРОГРАММАСИ ПРОЕКТИ МУҲОКАМАСИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1961 ЙИЛ 14 ОКТЯБРДАГИ ҚАРОРИ

(БИР ОВОЗДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН).

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектининг умумпартия ва бутун халқ муҳокамаси якунлари тўғрисидаги докладини тинглаб, мамнуният билан таъкидлайдики, Программа проектини муҳокама қилишда партия аъзолари ва партия аъзолигига кандидатлардан 9 миллиондан кўпроқ киши ва 82 миллиондан ортиқ меҳнаткаш қатнашди. Программа проекти барча бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида, район, округ, шаҳар, область ва ўлка конференцияларида, иттифоқчи республикалар компартияларининг съездларида, меҳнаткашларнинг корхоналар, колхозлар, муассасалар, ҳарбий қисмлар, касаба союз ва комсомол ташкилотларидаги жуда кўп йиғилишларида яқдиллик билан маъқулланди. Шундай қилиб, КПСС янги Программасининг проектини бутун партия, бутун совет халқи батамом, қизғин қўллаб-қувватлади.

Программа проектининг муҳокамаси партияда ва халқ орасида ижодий активликни мисли кўрилмаган суратда юксалтириб юборди, уларнинг мустаҳкам ва бузилмас бирлигини, СССРда коммунизм қуриш программасини амалга оширишга қаттиқ бел боғлаганлигини намойиш қилди. Муҳокама вақтида Программа проектига коммунистлар ва партиясизлардан тушган жуда кўп таклифлар коммунистик қурилиш муваффақиятларини кўпайтириш тўғрисидаги олижаноб ғамхўрлик руҳи билан суғорилгандир.

Марказий Комитет Пленуми Программа проекти муҳокамасининг якунларини қараб чиқиб,қарор қилади:

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проекти киритилган қўшимчалар ва ўзгартишлар билан тасдиқлансин.
2. КПСС Программасининг проекти партия XXII съездининг қараб чиқишига киритилсин.

КПСС УСТАВИ ПРОЕКТИ МУҲОКАМАСИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1961 ЙИЛ 14 ОКТЯБРДАГИ ҚАРОРИ

(БИР ОВОЗДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН).

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўртоқ Ф. Р. Козловнинг КПСС Устави проекти муҳокамасининг якунлари тўғрисидаги докладини тинглаб, қарор қилади:

1. КПСС Устави проекти киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар билан тасдиқлансин.
2. КПСС Уставининг проекти партия XXII съездининг қараб чиқишига киритилсин.

ПАХТА ҲАМ, ГЎШТ-СУТ ҲАМ МЎЛ-КЎЛ БЎЛСИН!

Тошкент область, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг раиси

ўртоқ ХВАН МАН ГИМга

Колхоз партия комитетининг секретари

ўртоқ КИМ САН ФИРга

БАРЧА КОЛХОЗЧИЛАРГА

Азиз ўртоқлар! Ўтган йил сизлар маккажўхори етиштиришдаги ажойиб муваффақиятларингиз билан мамлакатни хурсанд қилган эдингиз. Колхоз суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 1850 центнер поя ва сўта олган эди. Колхоз ранси ўртоқ Хван қишлоқ хўжалик ходимларининг Олмаота шаҳридаги кенгашида сўзга чиқиб колхозчиларнинг топширувига биноан: 1961 йилда гектар бошига 1900 центнер маккажўхори етиштирилади, пахта, каноп, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришда янги муваффақиятларга эришилади, деган эди.

Сизлар ҳалол меҳнат қилдингиз, олган мажбуриятингизни муваффақиятли бажардингиз ва халқнинг меҳр-муҳаббати ҳамда минатдорчилигига сазовор бўлдингиз. Партия Марказий Комитетига юборган хатингизда сизлар янги катта ғалаба тўғрисида хабар қиляпсиз. Колхозда маккажўхори етиштириш вазифаси юклатилган коммунист Люба Ли бригадаси 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 1967 центнер силосбоп маккажўхори олиб, бу экин ҳақиқатан ҳам нақадар забардаст кучга эга эканлигини яна бир қарра исботлади. 1967 центнер маккажўхори пояси ва сўтаси — гектар бошига 43 минг озуқа бирлиги деган гап бўлиб, бу — 430 центнер сулига тенгдир. Шундай қилиб, бир гектар маккажўхори 36 тонна сут ёки 16 центнер сариёғ бера олади.

Сизларнинг намунангиз суғориладиган деҳқончилик шароитида маккажўхори ниҳоятда юқори ҳосил беришини яққол кўрсатиб турибди. Пахтакор районларда маккажўхоридан ана шундай ҳосил олиш йўли билан зарур миқдорда ем-хашак етиштириш, чорвачиликни муваффақиятли суратда ривожлантириш мумкин.

Пахта етиштираётган республикаларда чорвачиликни ривожлантириш имкониятлари тўғрисида, пахта етиштиришни гўшт ва сут етиштириш билан қўшиб олиб бориш ҳақида шу чоққача нотўғри тасаввур мавжуддир. Айрим ходимлар Ўрта Осиёда фақат пахта етиштириш мумкин, сут билан гўштни эса бошқа районлардан келтириш керак, деб ҳисоблайдилар.

Сизларнинг тажрибангиз, азиз ўртоқлар, шу жиҳатдан ҳам қимматлики, сиз пахта етиштиришни чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан тўғри қўшиб олиб боришнинг йўлларини кўрсатиб бермоқдасиз. 1961 йилда колхоз гектар бошига 43 центнер пахта, 210 центнер луб экинлари пояси сотди. Шу билан бирга сизлар маккажўхоридан юқори ҳосил олиб келяпсиз ва шу асосда сут хўжалигини муваффақиятли суратда ривожлантиряпсиз. Колхоз 1961 йилда 11 минг центнердан кўпроқ, яъни юз гектар ер ҳисобига 230 центнер сут етиштиради. Бу ҳам кўп эмас, албатта. Лекин умуман Ўзбекистон колхозлари ва совхозлари бўйича ўтган йили қишлоқ хўжалигидаги ҳар юз гектар ер ҳисобига атиги 15 центнер сут етиштирилган эди-ку. Шаҳарлар яқинига жойлашган колхоз ва совхозларда суғориладиган маккажўхори базасида сут чорвачилигини ривожлантириш шаҳар аҳолисини янги соғилган сут билан тўхтовсиз таъминлаб туриш имконини беради.

Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва бошқа пахтакор республикаларнинг колхоз ва совхозлари алмашлаб экишни пахта йўлаб кўрмоқлари керак. Суғориладиган ерлардаги экин майдонларининг структураси пахта етиштиришнинг узлуксиз суратда кўпайтирилишини таъминламоғи керак. шу билан бирга талаб қилинган миқдорда ем-хашак етиштирилиши лозим. Афтидан, маккажўхори ем-хашак экинлари орасида асосий ўринни эгаллаб қолса керак. Маккажўхори — ем-хашак базасига мустаҳкам негиз бўлади. Пахтакор республикаларнинг партия ташкилотлари чорвачилик маҳсулотларини шу республикаларнинг ўзида етиштириш ҳисобига аҳолини шундай маҳсулотлар билан таъминлаш вазифасини қўйишлари ва ҳал этишлари вақти келди.

Азиз ўртоқлар! Сизларни меҳнатдаги зўр ютуқларингиз билан КПСС Марказий Комитети номидан самимий табриклайман. Сизлар пахта, луб экинлари, сут, гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни бундан буён ҳам кўпайтира берасиз, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз.

Н. ХРУШЧЕВ.

1961 йил 14 октябрь.

КПСС Марказий Комитети Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВга

Азиз Никита Сергеевич!

Қишлоқ хўжалик артелимизнинг колхозчилари шу йил февраль ойининг охирида КПСС Марказий Комитетига, СССР Министрлар Советига, шахсан Сизга юборган хатларида янги ошириларган социалистик мажбуриятлар олган эдилар. Ана шу мажбуриятлар кандай бажарилаётганлигини маълум қилишга рухсат бергайсиз.

Бизнинг колхозимиз Совет Шаркининг йирик саноат маркази — Тошкент якинига жойлашган. Суғориладиган ерларда маккажўхоридан юкори хосил олиш йўли билан мустахкам ем-хашак базасини вужудга келтириш негизида сут етиштиришни узлуксиз суратда кўпайтира боришни, биз ўзимизнинг энг муҳим вазифаларимиздан бири, деб биламиз.

Биз бу йил хар гектардан думбул сўтаси билан 1900 центнер кўк поя, ёки гектаридан 40 минг озука бирлиги олиш хакида Сизга сўз берган эдик. Бу — гектар бошига 320 центнер сут бериш мумкин эди.

Колхоз маккажўхорикорлари ўз сўзини шараф билан бажарганлигини хабар килиш билан хурсандмиз. Коммунист Любовь Ли бошлик бригада силос учун экилган 70 гектар маккажўхорининг хар гектаридан 1967 центнер сўталари сердон кўк поя олди, сўталарининг огирлиги бир ярим килограммгача борди. Силосланган 12 минг тонна поянинг 3584 тоннаси думбул сўталардир.

(Охири иккинчи бетда).

КОММУНИЗМ ҚУРУВЧИЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ МЕҲНАТИ

— Зафарларимиз сенга, партия!

— Ижодий меҳнатимиз — партия съездига туҳфамиз!

Оташин, ҳаётбахш бу сўзлар миллионларнинг қайноқ қалбларида мавж урмоқда. Бу сўзлар завод ва фабрикаларимизда, шахта ва конларимизда, поёнсиз далаларда, лаборатория ва улкан қурилишларда ҳаммамизнинг дилимизда барралла жарангламоқда. Буюк мақсад — коммунистик эртамизнинг порлоқ манзиллари сари ғолибона қадам ташлаб олға бораётган совет кишиларининг илк туйғулари, доно ақл ва идроки, баҳор чаманларидек бегубор, олижаноб фикр ва туйғулари, фазилатлари шу кунларда яна ҳам улуғвор, яна ҳам ёркин намоён бўлмоқда.

Улуғ Ватанимизнинг қайси томонига боқманг, ҳамма ерда ижодий меҳнат, яратувчилик ва қаҳрамонлик ишларининг шавқи-завқи тараннум этмоқда. Буюк тарихий айём — шонли Коммунистик партиямизнинг XXII съезди очилиши арафасида совет кишиларининг сиёсий активлиги ва меҳнат соҳасидаги ғайрати мисли кўрилмаган даражада янги, юксак погоналарга кўтарилди. Ватанпарвар, ижодкор ишчиларимиз, колхозчиларимиз, интеллигенциямиз коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини муваффақият билан амалга ошириб, ажойиб мўъжизалар яратмоқдалар.

Кеча мамлакатимиз бўйлаб яна бир хушхабар тарқалди. СССР саноати шу йилнинг учинчи чоракдаги планини ва тўққиз ойлик планни муддатидан илгари ортиғи билан бажарди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми тўққиз ой мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8.8 процент, шу жумладан учинчи кварталда 9,4 процент кўпайди. Барча иттифоқчи республикалар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини, шунингдек саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг кўпгина муҳим турлари бўйича тўққиз ойлик планни ортиғи билан бажардилар. Маҳсулот таннархини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш планлари ҳам ортиғи билан адо этилди. Бу факт социалистик экономикамиз ой сайин, йил сайин тўхтовсиз ўсиб бораётганлигини, етти йиллик план халқ хўжалигининг барча тармоқларида муваффақиятли бажарилаётганлигини, шу билан бирга совет халқининг буюк қаҳрамонона меҳнатини ёркин ифода этиб беради.

Ўз Ватани, жонажон Коммунистик партияси ва Совет ҳукуматига чексиз садоқат ва муҳаббат ҳислари, туйғулари билан тўлибтошган ва шу руҳда тарбияланган республикамиз меҳнаткашлари ҳам иттифоқимиздаги барча халқлар сингари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съездини саноат, қишлоқ хўжалик ва маданиятнинг барча соҳаларида янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритиш билан кутиб олмоқдалар. Саноат корхоналарида, пахта далаларида, шахта ва конларда XXII съезд шарафига кенг қулоч ёйган умумхалқ социалистик мусобақаси янги, ажойиб ҳаракатларни, ташаббусларни вужудга келтирмоқда, коммунистик қурилиш йўлида буюк зафарларга илҳомлантирмоқда.

Эртадан кейин жонажон Ватанимиз пойтахти Москвада улуғ Ленин барпо этган шонли Коммунистик партиямизнинг тарихий XXII съезди ўз ишини бошлайди. Республикамиз меҳнаткашлари бу съездни ўз планлари, режалари, фикр, мақсад ва буюк ишларини амалга ошириш билан кутиб олмоқдалар. Ўзбекистон саноати тўққиз ойлик планни муддатидан олдин ортиғи билан бажарди. Жуда кўп илғор саноат корхоналари съезд арафасида ўз мажбуриятларини адо этдилар. Саноат корхоналарида миллионларнинг етакчиси ва гвардиячиси бўлган коммунистик меҳнат бригадалари ҳаракати борган сари кенг қулоч ёймоқда. Бу ҳаракат жуда кўп корхона, цех ва бригадаларнинг фахрли ишига, коммунистик куртакларнинг тез ривож топаётган манбаига айланмоқда. Мингларча ишчилар партиямиз съездини йиллик, ҳатто икки-уч йиллик планларини бажариш билан кутиб олмоқдалар. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи, Қўқон суперфосфат заводи, Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи, Тошкент электролампа заводи, «Андижоннефтегаз» бирлашмаси, Самарқанддаги «Ҳужум» пилла-кашлик фабрикаси сингари саноат корхоналари съезд арафасида мамлакатга пландан ташқари кўплаб маҳсулот етказиб бердилар.

Шу кунларда колхоз қишлоқлари ва кенг пахтазорларда ҳаёт ҳар қачонгидан ҳам жўшқин, завқли. Пахтакорлар, чорвадорлар, ғаллакорлар, боғбонлар — қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашлари, хилма-хил касб эгалари — ҳамманинг дили ва қалбида байрам нашъаси, арафа кунларидаги шавқ ва завқ туйғулари порламоқда. Ҳа, ҳақиқатан ҳам байрам арафаси. Коммунистик партиямизнинг тарихий XXII съезди ҳар бир совет кишиси ҳаётида бўлгани сингари қишлоқ меҳнаткашлари ҳаётида ҳам унутилмас тарихий кун ва байрамдир. Чунки бу съезд коммунизм қурувчилари съездидир. Ана шунинг учун ҳам ҳар бир меҳнаткаш бу съездга байрамлардагидек янги меҳнат совғалари билан келмоқда. Пахтакорларимиз съезд арафаси кунларида янада зўр ғайрат билан енг шимариб ишга киришиб, Ватанимиз «оқ олтин» хазиналарини минг-минг тонналаб пахтага тўлдирмоқдалар. 3 миллион 200 минг тонна пахта топширамиз деб берган ваъламизнинг сўнгги чўққилари кўринмоқда. Давлатга дон, қоракўл тери, пилла, тухум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб бериш планини шараф билан бажарган республикамиз қишлоқ хўжалигининг азаматлари яна бир ғайрат қилсалар, шу ғанимат кунлардан тўла фойдаланса, пахтачиликдаги маррамизга ҳеч сўзсиз етишамиз.

Никита Сергеевич Хрушчевнинг Ўзбекистондаги энг илғор қишлоқ хўжалик артелларидан бири — Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози аъзоларига юборган табрик хати шу съезд арафаси кунларида пахтакорларимиз ва чорвадорларимизнинг, бутун республикамиз меҳнаткашларининг севинчига севинч қўшди, меҳнат ғайратини янада жўш урдириб юборди.

Совет халқи коммунизм сари комил ишонч билан олға бормоқда. Биз улуғ ишимизнинг, буюк программаларимизнинг ғалаба қилишига, ҳаётийлигига тўла ишонамиз. Бизни коммунизмнинг нурли ва ҳаётбахш тўққилари сари буюк Ленин даҳоси, доно Коммунистик партия бошлаб бормоқда. Порлоқ, чорғоғ йўлимизни марксизм-ленинизм ғоялари ёритиб турибди.

Совет халқининг буюк раҳбар, ташкилотчи ва етакчи кучи, давримизнинг ақл-идроки ва виждони — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар бўлсин!

ТАСС АХБОРОТИ

Шу йил 12 октябрда Совет Иттифоқида қўп босқичли учирувчи ракета Тинч океанининг марказий қисмидаги районига муваффақиятли суратда яна учирилди.

Ракетанинг парвози ва ундаги барча босқичларнинг иши белгиланган программага қатъиян мувофиқ равишда ўтди.

Ракета 12000 километрдан кўпроқ масофага учирилди.

Космик фазони бундан буён ҳам ўзлаштириш соҳасидаги илмий тадқиқотлар программаси кенгайтирилганлиги муносабати билан ТАСС қуйидагиларни хабар қилиш ваколатини олди: ТАСС 1961 йил 11 сентябрь ахборотида Тинч океанининг марказий қисмидаги районга учирувчи ракеталар парвоз қилажагини эълон қилган эди. Учирувчи ракеталарни учириш 1961 йил 30 октябргача давом эттирилади.

Партия коммунизм раҳнамоси,

ЯНГИ ЧЎҚҚИЛАР САРИ

М. МИРҚОСИМОВ,
Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.

□ □ □

КПСС нинг XXII съезди чақирилиши тўғрисидаги хушхабар келиши биланоқ, саноат корхоналаримизда жонажон партиянинг улуғ йиғинини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа авж олиб кетди. Бу ватанпарварлик ҳаракати тобора юксалиб, съезд арафаси кунларида айниқса қизғин тус олди. Шу кунларда меҳнаткашлар ва бутун-бутун коллективлар ўзларининг XXII съездга тайёрлаган меҳнат совғалари тўғрисида қувонч ва фахр билан рапорт бермоқдалар.

Завод ва фабрикаларда, электростанциялар ва конларда олиб борилган ташкилотчилик ишлари ва зўр ғайрат билан қилинган меҳнатнинг самараси шу бўлдики, Халқ хўжалиги кенгаши тўққиз ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан беш кун аввал бажарди. Съезд очиладиган кунгача бир неча ўн миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Бекобод металлургия, Чирчиқ ва Самарқанд кимёгарлари, Оҳангарон шахтёрлари давлат планлари ва олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли адо этиб, мусобақанинг олдинги сафида бормоқдалар.

Етти йиллик бошлангандан бери Халқ хўжалиги кенгаши саноати техника тараққиёти соҳасида ҳам, маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасида ҳам олға томон катта қадам ташлади. Ҳозирги вақтда корхоналаримиз бутун республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ўндан тўққиз қисмини етказиб бермоқда.

1959 ва 1960 йилларда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 21 процент кўпайган бўлса, машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 62 процент ортди. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги айниқса жадал суръат билан ривожланмоқда. Машинасозликнинг бу тармоғида ишлаб чиқариш даражаси етти йиллик контроль рақамларида 1964 йилга белгиланган миқдорга етди.

Етти йиллик бошлангандан бери мамлакат пахтакорларига 6300 пахта териш машинаси, 16 минг чигит экиш сеялкаси, 27 мингдан кўпроқ культиватор, 21200 трактор ва кўп миқдорда бошқа машина-механизмлар етказиб берилди.

Республикамиз мамлакатнинг асосий рангли металлургия базаларидан бирига айланмоқда. Ўтган йилнинг ўзида нодир ва рангли металлар рудаси қазиб чиқариш анча кўпайганлиги саноатнинг бу тармоғини юксалтиришга қанчалик катта эътибор берилаётганлигини кўрсатади.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларини юксалтириш негизи бўлган энергетика муваффақиятли ривожланмоқда. Етти йилликнинг ўтган икки йили мобайнида республикада электр қуввати ҳосил қилиш 4.7 миллиард киловатт-соатдан 5,8 миллиард киловатт-соатга етказилди.

Нефть чиқариш 1958 йилдагидан 23 процент ва газ қазиб олиш 3.8 баравар кўпайганлиги туфайли ёқилғи балансида жиддий ўзгариш рўй берди. Бу йил Тошкент, Чирчиқ, Бекобод ва бошқа шаҳарлардаги бир қанча корхоналар газ билан ишлай бошлаганлиги натижасида ёқилғи балансидаги газнинг улуши яна бир миллион тонна кўпаяди, шу йўл билан 20 минг темир йўл вагони бўшатиб берилади.

Кимё саноати, бинокорлик материаллари саноати ва оғир саноатнинг бошқа тармоқлари ҳам юксалиб бормоқда.

Саноат структурасида жиддий сифат ўзгаришлари рўй берди. Ҳозирги вақтда «А» группаси — ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш саноати зиммасига умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг қарийб тўртдан уч қисми тўғри келади. Оғир саноат тармоқларининг устун даражада ривожлана бориши ва қишлоқ хўжалигининг кескин юксалиши саноат ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ўстиришга имкон берди. 1960 йилда 1958 йилдагига нисбатан газлам ишлаб чиқариш 8.5 процент, трикотаж маҳсулотлари 19,6 процент, пойафзал 24,4 процент, ўсимлик ёғи 18.4 процент кўпайди. Шу билан бирга бу товарларнинг сифати яхшиланиб, турлари кўпайтирилди.

Совет Ўзбекистонининг саноати эришган бу катта ютуқлар партиямиз ленинчи Марказий Комитетининг доно раҳбарлиги меваси-дир. КПСС Марказий Комитети кўп миллионли меҳнаткашлар оммасини энг муҳим халқ хўжалик вазифаларини бажаришга сафарбар этмоқда. корхоналарда техникани бутун чоралар билан ривожлантириш чораларини кўрмоқда, меҳнаткашларга оталарча ғамхўрлик қилмоқда.

Ўтган икки йил мобайнида республика саноатида янги техниканинг жорий этиш юзасидан 2 мингдан ортиқ муҳим тадбир амалга оширилди. Бунинг натижасида корхоналарнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди, қўл ишларини механизациялаш даражаси юксалди. Кўпгина янги корхоналар ишга туширилди, ишлаб турган завод ва фабрикалар реконструкция қилинди ва кенгайтирилди.

Халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари сингари оғир саноатни жадал юксалтиришда ҳам электрлаштиришнинг аҳамияти беқиёс катта. Шунинг учун ҳам СССРда электр қуввати ҳосил қилиш 1980 йилга борганда 2700-3000 миллиард киловатт-соатга етказилади. мамлакатда ягона энергетика системаси вужудга келтирилади ва бир қанча социалистик мамлакатларнинг энергетика системаларига уланади.

Ўзбекистонда табиий газ билан ишлайдиган электростанциялар қуриш орқали ҳам, республика сув бойликларидан комплекс фойдаланиш йўли билан ҳам энергетикани тез юксалтириш учун катта имкониятлар бор.

Бундан кейинги йилларда республика халқ хўжалигини ривожлантириш суръати бир қанча йирик электростанциялар қурилиши ва энг муҳими — Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон энергетика системасини барпо этишни талаб қилади. Бу ишлар ҳозир бошланиб кетди. Тошкент ва Наванинг умумий қуввати 1 миллион 800 минг киловатт бўлган ГРЭСлар жадал қурилмоқда. 1965 йилга бориб Ўзбекистон 12,5 миллиард киловатт-соат электр қувватини бера бошлайди, бу эса революциядан аввал бутун Россияда ҳосил қилинган электр қувватидан 6,6 баравар кўпдир.

КПСС Программаси проектида машинасозликни ривожлантиришга алоҳида ўрин берилган. Модомики, Ўзбекистон бундан буён ҳам мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлиб қолар экан, машинасозлигимизнинг бош вазифаси пахтачиликнинг чигит экишдан тортиб то ғўзани парваришлаш, пахтани йиғиб-териб олиш ва қоп-қанорсиз ташишгача бўлган ҳамма ишларини комплекс механизациялаштириш учун керакли машиналарни, шунингдек пахта тозалаш саноатини тўла автоматлаштиришни таъминлайдиган машина-ускуналарни яратиш бўлиб қолади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, республикада пахта тайёрлаш 1980 йилда 1965 йилдагидан икки баравар кўпаяди. Шунча миқдордаги пахтани йиғиб-териб олмоқ учун 28-30 мингта пахта териш машинаси ва шунга муносиб бошқа техника воситалари бўлмоғи лозим. Бунинг учун эса қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводларининг қувватини анча оширмоқ, техника билан қайта қуроллантирмоқ керак бўлади.

Мамлакатнинг ёқилғи балансини тубдан ўзгартириш вазифасини ҳал этишда Ўзбекистон катта ўрин тутади. Шуни айтиш кифояки, 1965 йилга бориб, республикада газ олиш 22 миллиард кубометрга етади, яъни бутун Иттифоқда олинаётган газнинг 15 процентини ташкил этади. Бу бебаҳо хом ашёдан кимё саноатида турли-туман синтетик маҳсулотларни олиш, корхоналар ва аҳолининг маишатида ёқилғи сифатида фойдаланиш натижасида бутун халқ хўжалиги ва аҳоли турмушида қўл меҳнати гоят камаяди. Корхоналарни электрлаштириш билан бирга газлаштириш корхоналарни В. И. Ленин орзу қилганидек ҳақиқий меҳнат саройларига айлантиради.


Оғир саноат устун ривожлантирилиши натижасида Ўзбекистонда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам кўпаяди. Шундай қилиб, республикамиз мамлакатда саноат ва озиқ-овқат товарлари мўл-кўлчилигини вужудга келтириш ишига муносиб ҳисса қўшади.

Республика экономикасини юксалтиришнинг ҳал қилувчи проблемаларидан бири корхоналарни географик жиҳатдан жойлаштиришни яхшилашдир. КПСС Программаси проектида бундай дейилган:

«Коммунизм қуришни кенг авж олдириш саноатни тобора рационалроқ жойлаштириб боришни талаб қилади, бу эса ижтимоий меҳнатни тежашни, районларни комплекс ривожлантиришни ва уларнинг хўжалигини ихтисослаштиришни таъминлайди, аҳолининг катта шаҳарларда ҳаддан ташқари йиғилиб қолишига хотима беради, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларни бартараф қилишга, мамлакат районларининг иқтисодий тараққиёти даражасини янада бараварлаб боришга имкон беради».

Ўзбекистонда бу соҳада кўпгина ишларни қилиш зарур. Фикримизча, Ўзбекистон ССР территориясида саноат корхоналарини жойлаштиришни тубдан қайта кўриб чиқмоқ ва республиканинг саноати кам бўлган районларда йирик корхоналарни қурмоқ керак. Бундай районларда тўқимачилик, тикувчилик, пойафзал фабрикалари, шунингдек консерва, гўшт ва сут корхоналари барпо этиш билан бирга саноатнинг бу тармоқлари учун хом ашё базасини ҳам кенгайтириш керак.

Бу проблемаларни ва ишлаб чиқариш процессларини ихтисослаштириш, кооперативлаштириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган бошқа проблемаларни ҳал этиш натижасида Ўзбекистон мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга муносиб ҳисса қўшади.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН нурхонаси — Тахиатош ГРЭСи корхоналарга қувват, уйларга нур бераяпти. Тез орада ГРЭСнинг иккинчи агрегати ҳам ишга туширилади. Ҳозир Қорақалпоғистоннинг Тошкент областига ва Хоразмга юқори вольтли электр симлари тортилмоқда. Кўп ўтмай, бу областларнинг меҳнаткашлари ҳам Тахиатош нуридан баҳраманд бўладилар. СУРАТДА: Тахиатош ГРЭСининг машина зали.

И. Глауберзон фотоси.

В. И. ЛЕНИНГА ҲАЙКАЛ

Хоразм область, Хазорасп районидаги Киров номли колхоз правлениеси биноси олдида КПСС XXII съезди арафасида Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси, жаҳон пролетариатининг улуғ доҳийси Владимир Ильич Ленинга ҳайкал ўрнатилди.

Ж. МАДАМИНОВ.

План бажарилди

Янгийўл шаҳар саноат корхоналари коллективлари КПСС XXII съезди очилиш кунигача 10 ойлик планни бажаришга аҳд қилган эдилар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Янгийўллик саноатчилар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 4 миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқардилар. Гидролиз заводи коллективи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан илгари — 12 октябрдаёқ бажарди.

Қурилиш индустриямиз гиганти

Оҳангарон! Бу номни илгари кўп киши эшитмаганди. Унча катта бўлмаган бу ўзбек қишлоғи эндиликда бутун Совет Иттифоқига маълум бўлиб қолди. Ўрта Осиёда энг йирик қурилиш гиганти — Оҳангарон цемент заводи худди ана шу ерда барпо этилаяпти. Ўтган йил қишида бу улкан қурилишга мамлакатимизнинг ҳамма томонларидан — Москва ва Ленинграддан, Киев ва Омскдан, Новосибирск ва Челябинскдан, Николаев ва Тошкентдан, Ашхобод ва бошқа шаҳарлардан минг-минглаб ёш ватанпарварлар кела бошладилар. ВЛКСМ Марказий Комитети янги қурилишни Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилиши деб эълон қилди.

Қурилиш индустриямизнинг муҳим ҳом ашёси — цемент ишлаб чиқарадиган бу йирик заводнинг дастлабки навбатини қисқа вақт ичида фойдаланишга топшириш учун курашда «Узбекшахтострой» трестигина эмас, балки 19 та пудратчи қурилиш ташкилотлари ҳам иштирок этдилар. «Узпроммонтаж», «Узэлектромонт а ж», «Стальмонтаж» участкалари коллективлари зарбдор қурилишда зарбдор суръатлар билан меҳнат қилдилар. Ҳозир биринчи навбат қурилиши тугалланди. Айланма печь иши синаб кўрилаяпти.

Оҳангарон цемент заводи қурилишининг ўзига хос хусусияти шундаки, улкан иншоот замонавий техника ва ускуналар асосида ишлайдиган бўлади. Мураккаб айланма печь мамлакатда биринчи марта ана шу корхонада ўрнатилаяпти. Янги иш ҳар вақт қийин бўладя. Аммо қўпгина йирик қурилишларда иштирок этган тажрибали қурувчилар коллективи ишдаги барча қийинчиликларни ўз ирода ва матонат билан енгдилар.

Цемент заводи қурилишида пайвандлаш ва монтаждаш ишлари энг масъулиятли вазифа ҳисобланади. Бу мураккаб ва муҳим ишни Патон номидаги Киев электр пайвандлаш институтининг инженери Ўртоқ Хоменко раҳбарлигидаги ишчан коллектив муваффақият билан амалга оширди. Улар монтаждаш ва пайвандлаш ишларида илғор тажрибаларни кенг қўлладилар, ишга ижодий ёндошдилар. Натижада корхонанинг юраги — айланма печь ва бошқа муҳим участкалар сифатли монтажланди.

Юзлаб қурувчилар жонажон партиямизнинг XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, меҳнатсеварлик намуналарини кўрсатдилар. Бу мусобақада Николай Ильич Квон раҳбарлик қилаётган 2-участка коллективи алоҳида ўрнак кўрсатди. Коммунистик меҳнат участкаси деган шарафли ном учун курашаётган бу коллектив кўпдан бери қурилиш бошқармаси кўчма Қизил байроғини қўлда сақлаб келмоқда. Қувасой цемент заводи қурилишида қатнашган ва анчагина тажрибага эга бўлган бу участка қурувчилари ишни пухта уюштириш, меҳнат унумдорлигини оширишга ҳаракат қилиб, топшириқларни мунтазам равишда ортиғи билан бажариб келяптилар.

Оҳангаронликлар Самад Раҳмоновни ва унинг бригада аъзоларини кўпдан бери танийдилар. Бригада бундан бир йил илгари Оҳангарон шаҳрида ишлаб, шуҳрат тараттан эди. Улар бу ерда ҳам ишларини намунур қила олдилар ва ҳақли суратда коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номни олишга муяссар бўлдилар.

Ҳадемай Оҳангарон цемент заводининг биринчи навбати ишга тушади ва йилига 450 минг тонна қурилиш нони — цемент ишлаб чиқара бошлайди. Улкан иншоот тўла қувват билан ишлай бошлагач, Ўзбекистонигина эмас, балки бутун Ўрта Осиё қурилиш индустриясининг цементга бўлган талабини тўла равишда қондиради. Бошқача қилиб айтганда, Оҳангарон цемент заводининг ҳамма навбати фойдаланишга топширилганидан сўнг, давлат йилига 1 миллион 800 минг тонна цемент оладиган бўлади.

Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев, йирик қурилиш индустриясини яратмасдан ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантирмасдан туриб, етти йиллик планда кўзда тутилган қурилиш ишлари программасини амалга ошириб бўлмайди, деган эди. Ана шундай муҳим вазифани амалга оширишда Оҳангарон цемент заводининг қолган навбатларини ҳам барвақт ишга тушириш катта аҳамиятга эга бўлади. Шубҳа йўққи, зарбдор қурилишда ишлаб, катта тажриба тўплаган оҳангаронлик қурувчилар коллективи ўз вазифаларини муваффақиятли амалга оширадилар. Қурувчилар партиямизнинг янги Программаси ва Устави проектларидан руҳланган ҳолда ҳар қачонгидан ҳам баракали меҳнат қилаётганликлари шундан далолат беради.

К. ХАНИН,
«Узбекшахтострой» трестининг бошқарувчиси.

ҚОРАҚАЛПОҚ ҚИЗИ

Қуёш заррин кокилини тараб
Жимиртов чўққиларидан юқори
кўтарилганда «ХВС-1.2» машинаси-
дала қўйнида тебраниб, бунқери-
ни оқ момиққа тўлгизар. уни бў-
шатар, аммо рулда ўтирган тўла
юзли, қорачадан келган қизнинг
хаёли фақат машина билан банд.

Сочи чамбарланган бу қиз
энди учинчи бункерни бўшатаёт-
ганда бир кампир чақириб қолди.

— Ойим, дамингни ол қизим.
Овқат е, чой ич.

Қиз жилмайиб қўйди.

— Опам тушмагур, куйганни
куйган, уйга бориб келсам вақт
кетади.

Тун пардаси атрофни қоплагач,
иш нуни тугади. Бир кунда тўрт
тонна. Лекин, негадир Ойимхон-
нинг чарос кўзида аллақандай
ташвиш борден кўринади. У съезд
делегати. Революциядан илгари
кишилар эшигида чўпонлик қил-
ган Камол аканинг қизи Ойим-
хон-а!

Партиямиз шонли XXII съезди
делегати, бундай ишончга муша-
раф бўлган Ойимхонни хаёл
узоқларга етаклаб кетди. Онаси-
нинг алласидаги боғ-эрамлар кўз
олдига келарди. Мана, яна Кре-
млга боради. Аммо, партиямиз-
нинг бу тарихий съездига нима
билан бориш керак, қандай совға
ҳозирлаш керак? Мана бугун
тўрт тонна пахта терди. Эртага
камайиб, қолса-я, нега иккилана-
ди, тагида ишончли пўлат от
бор, калбида бир дунё ифтихор.

1960 йилда Ойимхон Камолова
бошлиги звено аъзолари ҳар гек-
тардан 65 центнердан пахта ҳо-
сили олди. Звено бошлиги ма-
шина билан 200 тонна пахта тери
берди. Социалистик Меҳнат Қах-
рамони Ойимхон Камолова Эшон
ёп этагидаги 15 гектар шўр ер-
ларни ўзлаштириб чигит экди.
Звено бу йил ҳам пахтадан юқо-
ри ҳосил етиштириш ва 40 гектар-
нинг ҳар гектаридан хирмонга 80
центнердан пахта тўкишга аҳд
қилишди. Ҳозир ана шу мажбу-
риятни бажариш учун қизғин ку-
раш кетяпти.

С. ИБРОҲИМОВ,
П. ШЕРИМБЕТОВ.

Қорақалпоғистон АССР, Аму-
дарё районидаги «Ленинизм»
колхози.

КОММУНИСТИК ПАРТИЯ

Ҳаётни тотли қилиб,
Бахтлар уруғин экқан,
Маяковский шеърига
Иссиқ нафаси теккан
Коммунистик партия!
Нимайики яхшилик, —
Ҳаммасининг эгаси,
Зарбдор йиллигларнинг
Илҳомчи, етакчиси
Коммунистик партия!
Осмон қўрқларига
Ҳаёт гулини сочган,
Илми билан космосда
Қатнов йўлини очган
Коммунистик партия!
Пойқадам келажакнинг
Шонли разведкачиси,
Улуғ тинчликнинг тўла
Ваколатли элчиси
Коммунистик партия!
Ҳар шиори кўрсатма,
Таълими дастур-амал,
Владимир Ильичнинг
Ҳаётидек мукаммал
Коммунистик партия!

Етагидаги халқнинг
Пок-покиза виждони,
Шарафи, олмос ақли,
Кучи, комил имони
Коммунистик партия!

Султон АКБАРИЙ

КПСС Марказий Комитети Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВга

(Боши биринчи бетда).

Бундай миқдордаги мавжуд силос биздаги чорва молларини боқишни бемалол таъминлайди. Йил охиригача 11 минг центнердан кўп, ёки қишлоқ хўжалигидаги ҳар юз гектар ер ҳисобига 230 центнер сут етиштирилади. Бу — ҳали етарли эмас, албатта ва биз сут етиштиришни тез суръатлар билан кўпайтириш, пахтачиликни чорвачилик билан мохирона боғлаб олиб бориш чораларини кўрамиз.

Сиз экинни калинлаштириб юбормаслик, маккажўхорини кўп поя ва кўп сўта берадиган қилиб ўстириш тўғрисида бизга маслаҳат берган эдингиз.

Сизнинг маслаҳатингизга кўра биз маккажўхорини турли схемалар асосида экишни тажриба қилиб кўрдик. Натижада ҳар гектаридан қуйидаги миқдорда сўта олинди (центнер ҳисобида).

Экиш схемаси	маккажўхори сорти «Имеретинский»	«35-30»
70×70 сантиметр	320	503
80×80 »	351	581
90×90 »	361	570
100×100 »	326	527

Шундан кўриниб турибдики, маккажўхорини калин экиб бўлмайди. Бу — сўталарининг камайиб кетишига сабаб бўлади.

Биз экишнинг энг яхши схемаларини ўз колхозимизда кенг қўлланамиз. шунингдек келгуси йили кўшни хўжаликларга ёрдам берамиз.

Бизда 240 гектар ерга экилаётган уруғлик маккажўхори гектар бошига 50—60 центнер гибрид уруғ бермоқда.

Бошқа колхозлар ҳам маккажўхорини юқори ҳосил олиш учун курашга отланганликларини билиш ёкимлидир. Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз ҳар гектаридан думбул сўталари билан 1200 центнер, «Правда», «Ленинский путь» колхозлари, Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхози бир минг центнердан ошириб кўк поя олдилар.

Бу йил районнинг барча колхозларида маккажўхори серҳосил бўлди. дала механизаторларига зўр кувонч келтирди.

Биз ўз хатимизда гектаридан 40 центнер пахта олишга сўз берган эдик. Съезд очиладиган кунгача колхоз давлатга гектаридан 43 центнер пахта топширди.

1954 йил ноябрда Ўрта Осиё. Закавказье республикалари ва Қозоғистон пахтачилик ходимларининг кенгашида бўлган вақтингизда берган маслаҳатларингиз учун пахтакорлар Сиздан миннатдордирлар. Пахтачилик комплекс механизациялашга асосланган илғор агротехникани жорий этиш йўлига тушиб олди. Бу йўл эса, бирдан-бир тўғри, ғолибона йўлдир.

Лўб экинлари етиштириш. Чирчиқ дарёси сохилида жойлашган бошқа районлардаги кўпгина хўжаликлар сингари бизнинг колхозимизнинг ҳам энг муҳим тармоғидир.

Каноп — пахтанинг тутгишган укасидир. Каноп техника экинларининг биринчи сафида туради. Пахтани азалдан «оқ олтин» деб келинаётган бўлса, халқ канопни «яшил олтин» деб атайди.

Биз 1270 гектарнинг ҳар гектаридан 200 центнер лўб экинлари пояси етиштириш мажбуриятини олган эдик. Бу мажбурият ошириб бажарилди. Ҳар гектардан 210 центнер каноп пояси олинди.

Жаҳондаги лўб экинлари етиштириш билан шуғулланаётган биронта мамлакатда бундай катта майдонлардан шу хилда ҳосил олинаётгани йўқ. Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ районларининг колхозчилари ва совхоз ишчилари каноп ҳосилдорлиги жиҳатидан аллақачон жаҳон рекорди кўйдилар ва бу рекордни ҳеч кимга бой бермайдилар!

Азиз Никита Сергеевич!

Улуғ Совет Иттифоқидаги ўн уч миллат вакиллари кўлни-кўлга бериб меҳнат қилаётган колхозимизнинг ахил оиласи коммунизм галабаси учун садокат билан курашга ошиқ бўлишдан иборат ягона фикр, ягона жўшқин интилиш билан яшамоқда.

Мамлакатнинг барча колхозчи деҳқонлари каби биз ҳам сергакўш ғалабага ишонамиз. Колхоз биз учун — коммунизм мактабидир.

Сиз бошлик жонажон Коммунистик партиянинг ленинчи Марказий Комитети халқини, халқнинг фарогати ва бахт-саодатини, социалистик Ватанимиз барқ уриб яшнашини, ер юзида тинчлик бўлишини кўзлаб донолик билан қилаётган барча ишни ишлаб чиқаришда ишлаётган деҳқонларнинг ҳам барвақт ишга тушириш катта аҳамиятга эга бўлади. Шубҳа йўққи, зарбдор қурилишда ишлаб, катта тажриба тўпларган оҳангаронлик қурувчилар коллективи ўз вазифаларини муваффақиятли амалга оширадилар. Қурувчилар партиямизнинг янги Программаси ва Устави проектларидан руҳланган ҳолда ҳар қачонгидан ҳам баракали меҳнат қилаётганликлари шундан далолат беради.

К. ХАНИН,
«Узбекшахтострой» трестининг бошқарувчиси.

ХВАН МАН ГИМ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, колхоз раиси

КИМ САН ФИР,
партия комитетининг секретари

Бригада бошликлари — Любовь ЛИ, Абдулла АБДУРАҲМОНОВ, Қўлдош ЭРГАШЕВ, Эркабой ТОШБОЛТАЕВ, Хайрулла МУСАКУЛОВ, Хайрен ШИН, Дясен ЦОЙ, Ирун КВОН Сут-согувчи Роза КВОН.

СОВЕТ ИНДУСТРИЯСИ ЮКСАЛМОҚДА

МОСКВА, 13 октябрь. (ТАСС). КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган саноат ходимлари саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг 1961 йил учинчи квартал планини ва тўққиз ойи планини ошириб бажардилар. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика бошқармасининг ахборотида ана шулар тўғрисида хабар қилинади.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми тўққиз ой ичида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8,8 процент, шу жумладан учинчи кварталда 9,4 процент кўпайди. Барча иттифоқчи республикалар тўққиз ойга мўлжалланган ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини ҳам, саноат маҳсулотининг кўпгина муҳим хиллари бўйича планни ҳам ошириб бажардилар.

Марказий Статистика бошқармасининг ахборотида шу давр ичида саноат маҳсулотининг муҳим хилларини ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотлар келтир и л а д и. Жумладан, 37.7 миллион тонна чўян. 52,5 миллион тонна пўлат эритилди. 40.8 миллион тонна прокат берилди. 87.8 миллион тонна темир рудаси. 122 миллион тонна нефть. 42,8 миллиард кубометр газ. 384 миллион тонна кўмир чиқарилди. 209 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. 122 минг дона металл қирқувчи станок. 418 минг дона автомобиль, 199 минг дона трактор, 11,5 минг дона экскаватор тайёрланди. 3,6 миллиард квадратметр ип газлама. 341 миллион квадратметр жун газлама. энгир толасидан 367 миллион квадратметр газлама. 514 миллион квадратметр шойи газлама тўқиб чиқарилди.

СССР САНОАТИНИНГ 1961 ЙИЛНИНГ III КВАРТАЛИ ВА ТЎҚҚИЗ ОЙИ ИЧИДА ЭРИШГАН МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

□ □

Шунингдек, 329 миллион жуфт кўн пойафзал, 6,7 миллиард сўмлик кийим-кечак, 3,2 миллион дона радиоприёмник ва радиола, 1432 минг дона телевизор, 503 минг дона холодильник чиқарилди, 2,4 миллион тонна гўшт, 649 минг тонна мол ёғи, 4,2 миллиард банка консерва ишлаб чиқарилди.

Оғир саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига қарағанда анча кўпайди. Шу билан бирга айрим халқ хўжалиги кенгашлари ва корхоналар саноат маҳсулотининг баъзи хилларини ишлаб чиқариш планини бажармадилар.

1961 йилнинг тўққиз ойи ичида икки миллионга яқин ихтиророчилик ва рационализаторлик таклифлари халқ хўжалигига жорий қилинди. Бу, бир йил ҳисобида тахминан бир миллиард 200 миллион сўм маблағни тежаш имконини берди. Саноат маҳсулоти таннархини камайтириш плани ўтган тўққиз ой ичида бажарилди. Саноатда меҳнат унумдорлигини ошириш плани ошириб бажарилди.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

✦ Коммунистик меҳнат ва юксак маданият магистрали номини олиш учун мусобақалашаётган Тошкент темир йўли коллективи партия XXII съездини меҳнатда катта муваффақиятлар билан кутиб олаяпти. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида магистрал локомотивчилари оғир юкли поездларда норма дан ташқари 8 миллион тонна дан кўпроқ юк ташиб бердилар Оғир юкли поездлар бошқаришда Когон, Урсатьевск, Тошкент локомотив деполарининг машинистлари алоҳида ўрнак кўрсатяпти лар. Вагонларга юкларни зичлаб ортиш йўли билан 15 мингдан кўпроқ вагон тежаб қолинди ва уларга минглаб тонна қўшимча юклар ортиб жўнатилди.

✦ Самарқандаги «Красный двигатель» заводи коллективи шу кунгача 30 минг сўмликдан кўп. роқ қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарди. Самарқандлик машинасозлар планга қўшимча «ДТ-54» трактори учун 45 мингта гильза ва 55 мингта трактор поршенлари ишлаб чиқардилар.

✦ Учқўрғон ёг-экстракт заводи коллективи шу йилнинг ўтган ойлари давомида плондан ташқари 572 тонна ёг ишлаб чиқаришга эришди. Р. Рафиқов, А. Краснов, Э. Зарипов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаларининг аъзолари маҳсулотни тежаб-тергаб сарфлаш натижасида ҳозиргача пландан ташқари 157 тонна ёг ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдилар.

Буюк ғояларнинг сенсан даҳоси!

УЛУҒ ПАРТИЯГА

Ленининг шуури, тиран закоси,
Бутун ғояларнинг сенсан даҳоси.
Партия сен демак — халқ раҳнамоси
Бахт ўзинг ва порлоқ истиқбол номинг
Ҳаёт мазмунидур сенинг илҳоминг.

Сендан нур олажак ҳар олтин шоҳид
Иўлингдир зўр ёғду адолат ва ҳақ
Халқ топди сен билан бахту саодат
Бахт ўзинг ва порлоқ истиқбол номинг
Ҳаёт мазмунидур сенинг илҳоминг.

Қудратинг, зафарнинг кумуш водийда
Зангори кемалар ишлар авжида
Сен меҳнат нашъасин ёқдинг дилларда
Бахт ўзинг ва порлоқ истиқбол номинг
Ҳаёт мазмунидур сенинг илҳоминг.

Тўкин дастурхонда сенинг зикринг бор,
Ҳар ўсиш, ҳар ишда режа-фикринг бор,
Бутун соф қалбларда оташ меҳринг бор,
Бахт ўзинг ва порлоқ истиқбол номинг
Ҳаёт мазмунидур сенинг илҳоминг.

ҒАЙРАТИЙ.

Ю Р А К

У кўзга кўринмайди, сийналар ичра яшар,
Метин мускул, узилмас томирлар атрофида...
Унинг заҳматкашлиги қалб — номига ярашар,
Ўзини кўрмасак ҳам ишидан шодмиз жуда.

Эрта-ю кеч ишлайди, иш билан тирик фақат,
Ҳарорати қуёшча, бегубор, қувноқ ва шан.
Шошадиган ери йўқ, манманликка йўқ тоқат,
У ишлар-кан, кўзда нур, юртимиз бўлар гулшан.

Лекин ўзи сийнада ишлаб, иссиқ қон бериб,
Азиз ҳаётимизга у жон бўлиб турибди.
Юртига содиқ ҳар вақт, постида кўкрак кериб,
Забардаст сийнамизда жонон бўлиб турибди.

Биз унинг амри билан мўъжизалар яратдик,
Биз унинг амри билан шеър ёзамиз халқ учун...
Лекин бу юракни биз партияга бахш этдик,
Партиямизникидир қалбнинг ҳарорат кучи.

МИРМУҲСИН.



ЯШНАЯПТИ ДАШТЛАРИМИЗ

Мирзачўл, Марказий Фарғона, Қарши дашти... Уч оғайни ботирлар, уч занжирбанд шер! Ҳавоси мусаффо, замини кенг ва сахий, осмони баланд бу саҳроларда қанчадан-қанча ер кўп асрлар мобайнида бекор ётди. Шунинг учун уни занжирбанд шер дедик. Чунки бу ерларнинг кучи бор эди-ю, лекин инсонга нафи тегмасди. Унинг қўлидаги қишлоқларни парчалаб ташлаш учун, унинг жавоҳир тўла сандиқдек хазинасини — кенг қўйнини очиш учун, сувга сероб қилиш учун буюк қудрат керак эди.

Сув бор жойда — ҳаёт бор. Сув — ернинг қони, жонидир. Лекин Мирзачўл ҳам, Марказий Фарғона ерлари ва Қарши дашти ҳам асрлар давомида сув, дея ташналигича бағри кабоб бўлиб ётаверди. Сувсизликдан куйиб-жизғанак бўлиб кетган ерга ҳаёт бахш этадиган буюк куч, табиатни ўзгартиришга қодир куч керак эди.

Сув бор, Норин!» деб хитоб қилинади ўзбек ашулаларидан бирида. Асов дарёларни жиловлаш учун Рустамона куч керак эди. Ер, сувнинг ҳақиқий хўжайини бўлган озод совет кишиси Улуғ Тонгининг эртасигаёқ қуллик занжирларидан бўшалган билагидаги шундай кучни ишга сола бошлади.

1918 йилнинг 17 май куни улуғ Ленин табаррук қўли билан Мирзачўлнинг 500 минг десятина ерини ўзлаштиришга 50 миллион сўм маблағ ажратилсин деб имзо чекканида, балки бугунги навқирон шаҳар — Янгиерни, «Малик» совхозининг ҳозир зангори кемалар жавлон ураётган чексиз далаларини, «Фарҳод» совхозининг пахтазорини, «Ширин» совхозининг боғ-бўстонларини, Ховос билан Жиззах ўртасида яшнаб келаётган воҳаларни, Зомин районидаги 4- ва 5. совхоз посёлкаларини кўз олдига келтиргандир.

Мирзачўлнинг ўтмишини ва ҳозирини, унинг порлоқ эртасини ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин шундай бўлса ҳам Мирзачўлнинг ўтмиши тўғрисида икки оғиз гапирсак ортиқчалик қилмайди. Мирзачўл Тошкент билан Самарқанд ва Тошкент — Бухоро ўртасидаги катта карвон йўлида ястланиб ётган. Карвонлар саҳронинг ўртасидаги якка қудуққа ёки ягона сардобага етолмай сувсизликдан ҳалок бўлган. Бу ерда бир томчи сув одам қонидан ҳам қимматроқ бўлган!

Ана шу жигар-бағри куйиб ётган чўлга совет кишилари жон киргизди. Фақатгина Ўзбекистон ва Қозогистон территориясида Совет ҳокимияти йилларида 256 минг гектар майдон ўзлаштирилиб, экинзорга айлантирилди. Ўзлаштирилганда ҳам шундай ўзлаштирилдики, эндиликда ана шу янги ерлардаги «Пахтаорол» ва «Малик» совхозларининг шуҳрати бутун мамлакатда машҳурдир.

Мирзачўл тобора гулистон бўлаётганлигини, чўл чекинаётганлигини қуйидаги кичкина бир фактдан ҳам кўриш мумкин. 1959 йилда Жиззахдаги Титов номли 6- пахтачилик совхозидан ном-нишон йўқ эди. Ўша йилнинг бошида жонажон партиямизнинг XXI съезди чақирилгани эсингизда.

Бу тарихий съезд Ўзбекистон ССР бундан бүён ҳам мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлиб қолади. Шу сабабли мана шу етти йилликда асосий эътибор пахтачиликни ва саноатнинг пахтачилик билан боғлиқ бўлган соҳаларини ривожлантиришга қаратилади, деб қатъий айтган эди.

Партия режалари халқимиз ўй-лагапидан ҳам зиёдароқ амалга оширди. Янги резервларни ишга туширган, чўл бағридан янги пахтазорлар очган халқимиз 1959 йилда мисли кўрилмаган даражада мўл ҳосил етиштирди. Мамлакатга 3 миллион 163 минг тонна пахта топшириб, совет пахтачилиги тарихида янги саҳифа очди.

Партия XXI съезди СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамларини тасдиқлади. Ана шу тарихий ҳужжатда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасида **ирригация қурилиши кенг миқёсларда ривожлантириладн** дейилган эди.

Биргина Мирзачўлда узунлиги 90 километрдан ортиқ, секундига 80-100 кубометр сув оқадиган, 50, 60 минг гектар майдонга жон киргизадиган Жанубий Мирзачўл канали қурилди. Ҳозир ана шу дарёдан киши қон томиридай, тараліб кетган шохобчалардан янги ўтказилган кўчат ҳам, колхозларнинг гулзоналари ҳам, совхозларнинг посёлкаларидаги дарахтлар ҳам, шу йил эрта баҳорда умид билан экилган чигитнинг ғўзалари ҳам сув ичди.

Мутахассислар 6- совхозининг режасини тузишар экан, «Совхоз жуда бўлса келгуси йилда, яъни 1962 йилда чигит экса керак», деб ўйлашган эди. Лекин ўй бошқа-ю, иш бошқа. Совет кишисининг иши унинг орзусини муддатидан илгари рўёбга чиқаришга қаратилган. Бу гал ҳам шундай бўлди. Совхозга яхши умид ва ният билан кўчиб келган кишилар:

— Сув борми, нега қараб турамиз, нега ернинг умрини бекорга ўтказар эканмиз, — деб енг шимариб ишга киришдилар.

Тўғри, илк баҳорда анча қийинчиликлар ҳам бўлди. Кенг майдонлар тез вақт ичида текисланди. Ҳали сув келмаган жойларда ернинг ўз намига униб чиқади деб умид билан чигит экишди. Ғўза ердан бош кўтариб қолди. Лекин ўтказилган новлар ҳали қуруқ эди. Пахтакорлар ана шу новлардан сувнинг тезроқ оқиб келишини кутар эдилар. Ниҳоят, новлардан сув келди. Қарийб 6 минг гектар майдонга Жанубий Мирзачўл каналининг суви тарапди. Экини чанқаб турган бир пайтда ариғидан сув келган пахтакорнинг кувончи нақадар зўрлигини тасаввур қилиб кўриш учун Ҳакимполвон Қурбонов билан сўзлашинг.

Қурбонов ким дейсизми? У асли Самарқанд областининг Пахтакор районидан бўлади. Шу райондаги «Коммунизм» колхозининг мани деган бригадирларидан эди. Ҳакимполвон республикамизда пахта теримини машиналаштириш байроқдори бўлган шу колхозда яхши ишлаб, обрў орттирди. Фидокорона меҳнати учун Ленин ордени билан мукофотланди.

Партиямиз, халқимиз, комсомол энг азамат йигит-қизларни Мирзачўлни ўзлаштиришга чорлаганида. Ҳакимполвоннинг айтган сўзи шу бўлди:

— Тайёр ерда мўл ҳосил олиш унча қийин эмас. Овчининг зўри шер отади, деҳқоннинг зўри ер очади, деб бекорга айтишмаган. Биз кучимизни янги ерларни ўзлаштиришда кўрсатмасак бўлмайди.

Ҳамма хайрон қолди: Ахир, Ҳакимполвон қишлоқнинг энг бообрў йигитларидан бири. Хеч ким уни Мирзачўлга бор дегани йўқ. Шунака экан ўз жонажон қишлоғини қандок ташлаб кетади.

— Қишлоғимизни севаман, — худди шунинг учун ҳам Мирзачўлга борялман. — деди Ҳакимполвон. — Ахир, қишлоқда умр бўйи яшаб бир жуфт кўчат ўтказмаган кишилар ҳам топилади. Биз қишлоғимизни яшнатдик. Энди Мирзачўлга бориб боғ қилсак бундан кўра улуғ иш борми!

Ҳакимполвоннинг кекса отаси Қурбон ота олдин рухсат бермаган эди. Лекин ўғлининг гапини эшитгандан кейин:

— Бор ўғлим, чўлни обод қилиш жуда савоб иш, — деди.

Мана Ҳакимполвон 176 гектар майдонга квадрат қилиб чигит экди. Экиш 11 кунда тугади. 1 майгача бир текис ундириб олинди. Ҳар гектар майдонга 90 минг туп дан кўчат қолдирилди. Биринчи сув май ойида берилди. Ғўзаси энди шоналай деганида отаси келди. Отаси бир ўзи келгани йўқ. Мўйсафид ўзи билан тажрибакорларни бошлаб келди. Ҳамқишлоқлари Ҳакимполвоннинг уйига эмас, тўғри, чўлдаги даласига келишди. Унинг барқ уриб ўсаётган ғўзасини кўришди. Қойил қолиб «баракалла» дейишди.

Ҳакимполвон буёғини ҳам бопдарёдан киши қон томиридай, тараліб кетган шохобчалардан янги ўтказилган кўчат ҳам, колхозларнинг гулзоналари ҳам, совхозларнинг посёлкаларидаги дарахтлар ҳам, шу йил эрта баҳорда умид билан экилган чигитнинг ғўзалари ҳам сув ичди.

Мутахассислар 6- совхозининг режасини тузишар экан, «Совхоз жуда бўлса келгуси йилда, яъни 1962 йилда чигит экса керак», деб ўйлашган эди. Лекин ўй бошқа-ю, иш бошқа. Совет кишисининг иши унинг орзусини муддатидан илгари рўёбга чиқаришга қаратилган. Бу гал ҳам шундай бўлди. Совхозга яхши умид ва ният билан кўчиб келган кишилар:

— Сув борми, нега қараб турамиз, нега ернинг умрини бекорга ўтказар эканмиз, — деб енг шимариб ишга киришдилар.

Тўғри, илк баҳорда анча қийинчиликлар ҳам бўлди. Кенг майдонлар тез вақт ичида текисланди. Ҳали сув келмаган жойларда ернинг ўз намига униб чиқади деб умид билан чигит экишди. Ғўза ердан бош кўтариб қолди. Лекин ўтказилган новлар ҳали қуруқ эди. Пахтакорлар ана шу новлардан сувнинг тезроқ оқиб келишини кутар эдилар. Ниҳоят, новлардан сув келди. Қарийб 6 минг гектар майдонга Жанубий Мирзачўл каналининг суви тарапди. Экини чанқаб турган бир пайтда ариғидан сув келган пахтакорнинг кувончи нақадар зўрлигини тасаввур қилиб кўриш учун Ҳакимполвон Қурбонов билан сўзлашинг.

Қурбонов ким дейсизми? У асли Самарқанд областининг Пахтакор районидан бўлади. Шу райондаги «Коммунизм» колхозининг мани деган бригадирларидан эди. Ҳакимполвон республикамизда пахта теримини машиналаштириш байроқдори бўлган шу колхозда яхши ишлаб, обрў орттирди. Фидокорона меҳнати учун Ленин ордени билан мукофотланди.

Партиямиз, халқимиз, комсомол энг азамат йигит-қизларни Мирзачўлни ўзлаштиришга чорлаганида. Ҳакимполвоннинг айтган сўзи шу бўлди:

— Тайёр ерда мўл ҳосил олиш унча қийин эмас. Овчининг зўри шер отади, деҳқоннинг зўри ер очади, деб бекорга айтишмаган. Биз кучимизни янги ерларни ўзлаштиришда кўрсатмасак бўлмайди.

Ҳамма хайрон қолди: Ахир, Ҳакимполвон қишлоқнинг энг бообрў йигитларидан бири. Хеч ким уни Мирзачўлга бор дегани йўқ. Шунака экан ўз жонажон қишлоғини қандок ташлаб кетади.

— Қишлоғимизни севаман, — худди шунинг учун ҳам Мирзачўлга борялман. — деди Ҳакимполвон. — Ахир, қишлоқда умр бўйи яшаб бир жуфт кўчат ўтказмаган кишилар ҳам топилади. Биз қишлоғимизни яшнатдик. Энди Мирзачўлга бориб боғ қилсак бундан кўра улуғ иш борми!

Ҳакимполвоннинг кекса отаси Қурбон ота олдин рухсат бермаган эди. Лекин ўғлининг гапини эшитгандан кейин:

— Бор ўғлим, чўлни обод қилиш жуда савоб иш, — деди.

Мана Ҳакимполвон 176 гектар майдонга квадрат қилиб чигит экди. Экиш 11 кунда тугади. 1 майгача бир текис ундириб олинди. Ҳар гектар майдонга 90 минг туп дан кўчат қолдирилди. Биринчи сув май ойида берилди. Ғўзаси энди шоналай деганида отаси келди. Отаси бир ўзи келгани йўқ. Мўйсафид ўзи билан тажрибакорларни бошлаб келди. Ҳамқишлоқлари Ҳакимполвоннинг уйига эмас, тўғри, чўлдаги даласига келишди. Унинг барқ уриб ўсаётган ғўзасини кўришди. Қойил қолиб «баракалла» дейишди.

Ҳакимполвон буёғини ҳам бопдаларга трансportёр шаклдаги шойи, атлас, бахмаллар ўралади. Ҳадемай гул босиш цехидан тайёр маҳсулотлар бўлмасига тўп-тўп қилиб чиқарилган маҳсулотлар харидорларга совға қилинади. Гўё иш кўнгилдагидек, тинч ва осойишта.

Йўқ ундай эмас, ана шундай операциялар даврида кўз илғамас қийинчиликларга дуч келинади. Соч толасидек майда ипак толаси чирс-чирс узилиб, унинг учи калава орасига кириб кетади. Тўқувчи усталик билан уни топиши, узилган ипакни бир-бирига пайвандлаши керак. Бу операция секунд ичида бажарилиши лозим. Акс ҳолда бутун станок бекор туриб қолади, смена топшириғи бажарилмайди. Энда иш юришганда мокки ипки чивоб юборади, тўқилаётган шойи ёки атлас орасида гирум-гирум тугунчалар пайдо бўлади, маҳсулотнинг сифати бузилади. Станокни тўхтатиб чиваланган ипакни созлаш зарур. Гоҳ ц, гоҳ бу сабаб билан тароқ синади, уни алмаштириш керак. Акс ҳолда ипак толаси таралмай дағал қийимлик чиқарилади. «Каловини келтирса қор ёнади» деганларидек, Галина ана шу мураккаб операцияни шундай усталик билан бажарадики, ҳатто станок ёнида турган кишининг кўзи илғамай қолади.

Галина бундай малаффақиятга осонлик билан эришгани йўқ. У кунни кунга, тунни тунга улаб машқ қилди, илғор тўқувчиларнинг тажрибасини ўрганди, китоб устида мутолаа қилди, билмаганларини ҳамкасбларидан сўраб ўрганди. Фабрикага шогирд бўлиб кирган Галина қисқа вақтда мустақил тўқувчи бўлиб етишди ва станокни бошқара бошлади. У бир станокда ишлаган кезларида ҳар сменада 20-25 метр биринчи сорт атлас тўқиди. Кейинчалик ватанпарвар қиз икки станокда ишлай бошлади ва ҳар куни 40-45 метрга етказиб юқори сорт атлас тўқиди. Галина станокни мустақил бошқаришга ўтганидан бүён ёмон смена топшириғини 120 процентдан кам бажараётгани йўқ.

Галина меҳнатда намуна кўрсатиш билан ўзгаларини ҳам онгли меҳнатга чорлайди. Бирор ишчи ўз участкасида оқсаб қолса, дарҳол ёрдам бериб, уни илғорлар даражасига етказишга қўмаклашади. Ҳ. Ҳакимова, Х. Муҳаммедова, В. Лескова, Д. Жангирова каби тўқувчилар Галинанинг шогирдларидир.

Фабрикада 2000 дан кўпроқ киши ишлайди. Уларнинг кўпчилигини хотин-қизлар т а шкил қилади. Фидокор коллектив КПСС XXII съезди шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, маҳсулот шилаб чиқаришни кўпайтиришда ажойиб муваффақиятларни қўлга киритяпти. 9 ойлик план муддатидан илгари бажарилиб, плакдан ташқари бир неча минг метр атлас, бахмал ва бошқа маҳсулотлар тайёрланди.

Яқинда Галина Григорьевна ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. Самарқанд область партия ташкилотининг конференцияси делегатлари Галина Григорьевна Антроповага катта ишонч билдириб, уни КПСС XXII съездига делегат қилиб сайлашди. Оддий тўқувчи Галина Григорьевна партиямизнинг коммунизм қурувчилар съездида қатнашади. Киши ҳаётида бундан ортиқ бахт борми?!

М. НАЗАРОВ.

МАННОП ЖАЛОЛОВ БРИГАДАСИ 351 ТОННА ПАХТА ТОПШИРДИ

АНДИЖОН, 14 октябрь. (**телефон орқали**). Ленин районидаги Карл Маркс номли колхозининг КПСС XXII съезди делегати Маннон Жалолов бошлиқ бригадаси жонажон партиямизнинг съездига совға қилиб, 13 октябрда пахта тайёрлаш йиллик планини бажарди. 120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34.91 центнердан ҳосил топширилди. 86 гектар майдондан 191.7 тонна ҳосил агрегатларда териб олинди. Бригада давлатга жами 351 тонна пахта сотди

Республикада хизмат кўрсатган механизатор Маннон Жалоловнинг ўзи «ХВС-1,2» машинасида 143 тонна пахта терди. Бригада аъзолари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 44 йиллиги кунигача гектаридан яна 10 центнердан «оқ олтин» териб олиш учун курашмоқдалар.

К. ЙЎЛДОШЕВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.



Г. Г. АНТРОПОВА.

Галина Григорьевна ҳали ёш, аммо уни Самарқанддаги «26 Бокү комиссари» шойи тўқиш фабрикасида етти йиллик карвонбоши деб аташади.

Шу корхона даргоҳида камол топиб, улгаяётган Галина катта йўл босиб ўтди. Қучли станок бетиним ишлаб турибди, ғалтакдан найчаларга тортилган толим-толим ипак кўзни қамаштиради, мокки дастгоҳнинг у бошидан бу бошига балиқдек сузиб, нозик из қолдиради. Ҳаял ўтмай дурвазада мокки ипки чивоб юборади, тўқилаётган шойи ёки атлас орасида гирум-гирум тугунчалар пайдо бўлади, маҳсулотнинг сифати бузилади. Станокни тўхтатиб чиваланган ипакни созлаш зарур. Гоҳ ц, гоҳ бу сабаб билан тароқ синади, уни алмаштириш керак. Акс ҳолда ипак толаси таралмай дағал қийимлик чиқарилади. «Каловини келтирса қор ёнади» деганларидек, Галина ана шу мураккаб операцияни шундай усталик билан бажарадики, ҳатто станок ёнида турган кишининг кўзи илғамай қолади.

Галина бундай малаффақиятга осонлик билан эришгани йўқ. У кунни кунга, тунни тунга улаб машқ қилди, илғор тўқувчиларнинг тажрибасини ўрганди, китоб устида мутолаа қилди, билмаганларини ҳамкасбларидан сўраб ўрганди. Фабрикага шогирд бўлиб кирган Галина қисқа вақтда мустақил тўқувчи бўлиб етишди ва станокни бошқара бошлади. У бир станокда ишлаган кезларида ҳар сменада 20-25 метр биринчи сорт атлас тўқиди. Кейинчалик ватанпарвар қиз икки станокда ишлай бошлади ва ҳар куни 40-45 метрга етказиб юқори сорт атлас тўқиди. Галина станокни мустақил бошқаришга ўтганидан бүён ёмон смена топшириғини 120 процентдан кам бажараётгани йўқ.

Галина меҳнатда намуна кўрсатиш билан ўзгаларини ҳам онгли меҳнатга чорлайди. Бирор ишчи ўз участкасида оқсаб қолса, дарҳол ёрдам бериб, уни илғорлар даражасига етказишга қўмаклашади. Ҳ. Ҳакимова, Х. Муҳаммедова, В. Лескова, Д. Жангирова каби тўқувчилар Галинанинг шогирдларидир.

Фабрикада 2000 дан кўпроқ киши ишлайди. Уларнинг кўпчилигини хотин-қизлар т а шкил қилади. Фидокор коллектив КПСС XXII съезди шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, маҳсулот шилаб чиқаришни кўпайтиришда ажойиб муваффақиятларни қўлга киритяпти. 9 ойлик план муддатидан илгари бажарилиб, плакдан ташқари бир неча минг метр атлас, бахмал ва бошқа маҳсулотлар тайёрланди.

Яқинда Галина Григорьевна ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. Самарқанд область партия ташкилотининг конференцияси делегатлари Галина Григорьевна Антроповага катта ишонч билдириб, уни КПСС XXII съездига делегат қилиб сайлашди. Оддий тўқувчи Галина Григорьевна партиямизнинг коммунизм қурувчилар съездида қатнашади. Киши ҳаётида бундан ортиқ бахт борми?!

М. НАЗАРОВ.

МАДАНИЯТИМИЗ РАВНАҚ ТОПМОҚДА

С. МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР маданият министри

Эртадан кейин Ватанимиз пойтахти Москвада Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихий XXII съезди ўз ишини бошлайди. Съезд мамлакатимизда коммунизм жамиятинқ барпо этишнинг улуғвор режалари баён этиб берилган тарихий ҳужжатларни—КПССнинг янги Программаси ва Уставини қабул қилади.

Давримиз қомуси бўлган партия Программаси проектида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор берилади. Партия идеологияси, меҳнаткашларни тарбиялаш, фан ва техниканп, маданиятни юксак даражада тараққий эттириш соҳасида конкрет вазифаларни бирмабир таъкидлаб кўрсатади. Программа проектида ёзилганидек, **«Партия ҳозирги босқичда идеология ишидаги асосий вазифа — барча меҳнаткашларни юксак ғоявийлик ва коммунизмга садоқат руҳида, меҳнатга ва жамоат хўжалигига коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашдан, буржуа қарашлари ва ахлоқининг сарқитларини батамом тутатишдан, шахсни ҳар томонлама, гармоник тарзда ўстиришдан, чинакам маънавий маданият бойлигини вужудга келтиришдан иборат, деб ҳисоблайди».**

Мамлакатимизда коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган ҳозирги даврда, ҳеч шубҳасиз, жамиятимизда маданият ҳар томонлама ривожланади, адабиёт, санъат ҳамда барча маданий-оқартув муассасаларининг тарбиявий роли ҳар қачонгидан ҳам кучаяди.

Совет адабиёти ва санъати совет кишисини янги дунё қуришга сафарбар этишда ғоят катта роль ўйнамоғи лозим. У миллионларни ана шу порлоқ йўлга сафарбар этиб, уларнинг ички дунёсини, ҳис-ҳаяжонлари ва фикр-ўйларини ўзида акс эттирмоғи, оммани тарбиялашнинг қудратли қуролига айланмоғи зарур.

Адабиёт ва санъатни янада ривожлантиришнинг бош йўли унинг халқ ҳаёти билан алоқасини мустаҳкамлашдан иборатдир. Адабиёт ва санъат социалистик воқеликни тўлалигича, ҳаққоний акс эттириши лозим. У жамият тараққиётига ғов бўлиб турган барча тўсиқларга қарши кескин кураш олиб бориши керак.

Коммунистик партия Программаси проекти барча совет кишилари қаторида Ўзбекистон маданият ходимлари томонидан баланд руҳ ва зўр мамнуният билан кутиб олинди ва қизғин маъқулланмоқда. Чунки, бу улуғвор ҳужжатда совет халқининг, бутун прогрессив инсониятнинг ҳаётий масалалари илгари сурилган.

Ёзувчилар, драматурглар, рассомлар, композиторлар, театр ва кино ходимлари, республикадаги барча ижодий ходимларга ижодда янгидан-янги ташаббус кўрсатишнинг порлоқ ва кенг йўли очиб берилди. Бу улуғвор ҳужжат адабиётимиз ва санъатимизни янгилянги жанр ва формалар билан бойитиши шубҳасиздир. Ўзбекистон маданият ходимлари олдида партия кўрсатиб берган буюк вазифаларни амалга ошириш йўлида актив ва ғайрат билан ижодий меҳнатга киришишдан кўра муқаддас ва шарафли иш йўқ.

Республикамиз адабиёти ва санъати ходимлари Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчилари сифатида давримизнинг буюк руҳини, совет кишисининг маънавий бой ички дунёсини, унинг ер курасида энг ёркин, энг гўзал ва энг улуғвор жамият барпо этиш соҳасидаги яратувчилик кучини, меҳнат қаҳрамонликларини ифода этувчи қатор тасвирий санъат полотнолари, музика ва саҳна асарлари, кинофильмлар яратдилар.

Бадиий адабиёт соҳасида кўзга кўринарли асарлар вужудга келди. Кўпгина ёзувчиларимиз замонамиз кишилари ҳақида бир қанча асарлар яратдилар. Шоирлар совет халқининг қаҳрамонона меҳнати ҳақида шеърий асарлар ёздилар.

Республика театрлари коллективлари ўз саҳналарида кўпгина янги асарларни томошабинларга кўрсатдилар. Драматург И. Султоннинг «Имон», О. Ёқубовнинг «Олма гуллаганда», Б. Раҳмоновнинг «Мардлар қиссаси», Д. Файзийнинг «Зарафшон қизи», М. Бобоевнинг «Она қалби» каби пьесалари, композитор С. Бобоевнинг «Ҳамза» операси ва бошқа саҳна асарлари томошабинларга манзур бўлди. «Ўзбекфильм» кино студияси ҳам ўз фаолиятини жонлантирди. Томошабинларга «Синчалак», «Уфқ йўли» бадиий фильмлари, «Зангори олов кишилари» ҳужжатли фильми тақдим этилди.

КПСС XXII съездига бағишланган республика бадиий виставкасида Ўзбекистон рассомлари, ҳайкалтарошлари, халқ усталарининг республикамиз илғор кишилари ва уларнинг қаҳрамонона меҳнатларини акс эттирувчи тасвирий санъат асарлари қўйилган.

Партия ва Совет ҳукуматининг халқ маданий даражасини янада ошириш йўлида тинмай кўрсатиб келаётган гамхўрликлари туфайли республикамизда маданий-оқартув муассасалари тармоғи мисли кўрилмаган даражада ўсди. Ҳозирги кунда республикамизда 2808 клуб, 3316 оммавий кутубхона меҳнаткашлар хизматида. Бу кутубхоналарнинг китоб фондлари тобора ошиб бормоқда. улардан кўплаб меҳнаткашлар баҳраманд бўлмоқдалар.

Халқ оммаси маданий савиясини оширишнинг янги формаси — маданият университетлари тармоқлари тобора кенгаймоқда. Ҳозир республикамиз саноат корхоналари, колхоз ва совхозлар ҳамда бошқа муассасалар қошида 125 маданият университети ишлаб турибди. Уларнинг ишгулотларида неча минглаб меҳнаткашлар ўзларининг ғозеий, бадиий савияларини оширмоқдалар. Меҳнаткашлар орасидан талантли санъаткорлар етишиб чиқаётир. Ҳозир республикамиздаги 25 ҳаваскорлик театрида халқ орасидан етишиб чиққан истеъдодлар ўз санъатларини намойиш қилмоқдалар.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлган кино ҳизматини яхшилаш соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Шу йилнинг бошидаёқ республикамизда кино тармоқларини ривожлантиришнинг етти йиллик плани ошириб бажарилди. Планда белгиланган 2170 кино установка ўрнига ҳозирги пайтда 2397 кино установка ишлаб турибди. Фақат ўтган йилнинг ўзидаёқ шаҳар ва қишлоқларимизда 12 қишлик ва 9 та ёзги кенг экранли кинотеатрлар қад кўтарди.

Давримизнинг юксак ғояларини меҳнаткашларга етказишда матбуот катта роль ўйнайди. Республикамизда матбуот тармоқлари кундан-кунга ўсмоқда. Ҳозир Ўзбекистонда 227 номда газета ва 74 журнал нашр этилади. Республикамиз нашриётлари сиёсий, бадиий ва фаннинг турли соҳаларига доир китобларни, дарсликлар ва бошқа адабиётларни тобора кўпроқ нашр этмоқдалар. 1913 йилга нисбатан ҳозир босиб чиқарилаётган китобларнинг тиражи деярли 170 марта ошди. Буларнинг ҳаммаси ўзбек халқининг Коммунистик партия раҳбарлиги остида, иттифоқимиздаги қардош халқлар, биринчи навбатда улуғ рус халқининг яқиндан берган оғаларча ёрдами натижасида маданий тараққиётда қанчалик юксак даражаларга эришганлигидан далолат бериб турибди. Лекин ҳали маданият ходимлари олдида жуда катта вазифалар туради. Халқнинг маданий савиясини янада ошириш соҳасида КПСС Программаси проектида белгилаб берилган улуғвор вазифалар бизни янги ижодий марраларга ундамоқда. Маданий-оқартув муассасаларининг умумий иш даражаси, айниқса қишлоқ жойлардаги аҳволи ҳали меҳнаткашларнинг маданий эҳтиёжларини тўла қондирмайди.

Коммунистик жамият қурилиши кенг авж олдирилган ҳозирги даврда маданий тараққиёт соҳасида олиб борилаётган ишлар мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк маданий революциянинг янгиловчи этапи бўлиши лозим. Маданий тараққиётни янада юксалтириш учун маданий-оқартув муассасалари тармоғини тобора кенгайтириш, меҳнаткашларга, айниқса қишлоқ аҳолисига маданий хизмат кўрсатиш даражасини кўтариш лозим.


Республика маданият ходимлари КПСС Программаси проектида кўрсатиб берилган улуғвор вазифалар асосида республикамизда маданий-оқартув муассасалари сонини янада кўпайтириш, аҳолига маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш соҳасидаги тадбирларни белгилаб чиқдилар. Программа проектида кўрсатилган муддатнчида республикамизда клублар, кутубхоналар ва бошқа маданий-оқартув муассасаларининг сони анча ошади. Аҳолига маданий хизмат кўрсатиш яхшиланади. Матбуот ва полиграфия саноати аҳолининг барча эҳтиёжларини тўла қондирадиган бўлади. Меҳнаткашларга бадиий, илмий-оммабоп ва хроникал-ҳужжатли фильмлар кўрсатиш кескин даражада кўпайтирилади. Маданият университетлари ва халқ театрларининг тармоғи тобора кенгаяди. Халқ ичидан санъатнинг турли соҳаларида истеъдодли кишилар етишиб чиқиши учун барча имкониятлар яратиб берилади.

Маданиятимизнинг бу порлоқ истиқболлари ёзувчилар, драматурглар, рассомлар, театр ва кино арбоблари, республикамизнинг барча ижодий интеллигенция вакиллари олдида ўзларининг катта ижодий ташаббусларини, юксак маҳоратларини кўрсатиш соҳасида кенг имкониятлар очиб беради.


Шубҳа йўққи, Ўзбекистон маданият ходимлари ўзларининг бутун куч ва ғайратларини, истеъдодларини, қалб ҳароратларини коммунизм кишисини тарбиялашга, партиямиз ишлаб чиққан коммунизмнинг улуғвор Программасини амалга оширишда муносиб ҳисса қўшишга сарф қиладилар.

Туябўғиз сув омборини халқимиз меҳр-муҳаббат билан ардоқлаб, «Тошкент денгизи» деяпти. Бунақа сув омборлари республикамизда жуда кўп ва ҳозир ҳам янги-янги йирик ирригация иншоотлари жадал суръатлар билан қурилмоқда. Суратда: Тошкент денгизи қир. гоқларида.

И. Глауберзон фотоси.







Тошкентнинг янги улкан вокзали йўловчиларга намунали хизмат кўрсатмоқда. СУРАТДА: вокзал биноси (ўнгда) ва майдони.

И. Глауберзон фотоси.

РЕПОРТАЖ

ПОЙАРИҚЛИКЛАР

Зарафшонда кун ботмасмиш...
Ажабсинманг,
шу аёмда
Биров тинчиб, тек ётмасмиш,
На тундаю кунда,
оқшомда...

ДАЛАЛАР

Йўлим тушди Зарафшонга
Зеҳн солдим ҳар томонга
Этак тутган кексаю, ёш,
Куйлар қўшиқ, дилрабо соз
Дур терянти ҳамма яккаш,
Иссиқ демай,
демай аёз,
Чаноқларда ҳосил бўлиқ
Жилосидан кўзлар қамашар.
Дала гўё чаман юлдузли
Уфқи кенг осмон —
ҳуснн талашар.
Кўсаклари, билсанг, бир мушт,
Беш панжасин
очганида кўр.
Кафти узра момиқ узатиб,
«Ма, ол!» дейди
ғўза, сахий ер.
Деҳқон тўккан тер бўлиб дур,
Ғўзаларда
тизилган қатор.
Имо қилар, гўё дейди: «Тер!»
Термагандан
ранжир пахтазор.
Бўлуғ ўсди ғўза ўғит еб,
Зарафшоннинг сувини ҳўплаб.
Шода-шода гул, кўсакни
Ҳосил шохларида мўл тўплаб,
Соҳибкор қувонч бахш этди.

ҚУЛТОЙ

«Қултой» десанг, бас —
танийди ҳамма,
Фақат каттамас, кичик ҳам.
Аммо...
Кўплар кўрмаган.
Негами. Чунки —
Элда юрмаган.
Йўғ-е!? Наҳотки...
Ошуқ, мафтун у,
пахтанинг ёри,
Фарзанди ҳам шу,
ҳам ифтихори.
Борлик меҳрини
унга бахш этган,
Билим маҳрини
пайкалга элтган.
Ғўза тилини,
унинг феълини,
Шона, гулини
асраш йўлини....
Қўйингки, барин
ёд олган, тайин,
Ғўза тупларин
юмшатиб майин.
Этди ўзига
итоаткор, ром.
Шу важдан унинг
кўнглида ором.
* * *
Маррага етди,
ўзиб ҳам кетди,
Ҳосил хирмони мўлжалдан
ўтди.
Уч юз гектардан
салкам ўттизни,
Хирмонга тўкиб оқлади сўзин
Ҳа, ўша шоввоз,
— Бизга-ку, асли,
— дейди, — бу ҳали оз,
Кўзларанимиз
— қирқ бирдан ортиқ,
Меҳнат туҳфамиз
съездга тортиқ.

ЮЗ ТОННАЧИЛАР

— Кенг пахтазорга
Хўп ярашди-да бу «ХВС»лар.
Қаранг, бу диёрда —
Бунақаси бўлганми? Ким эслар?
Мана Худойқул,
Баслашганда ўтади шердан
Кунда у нуқул,
Тўрт тоннани тўкар бункердан.
Моҳир қўл тегса,
Эсҳаэмнинг ҳам омади катта,
Бердиёр енгса,
Икки тоннадан оширар ҳатто.
Ғира-шира тонг,
Кўкда милтиллар сўниқ
юлдузлар.
Пахтазорга қаранг,
куйлар ҳур қизлар
Пахтазор гавжум,
Этак, бункерлар кетма-кет
тўлур,
Теримнинг авжи,
Файзли хирмондан кўрсангиз
бўлур.
Кирса ҳам тун, кеч,
Кетгинг келмас ҳеч...

ЙЎЛЛАР

Қишлоқ йўли серфайз,
серқатнов,
Машинанинг узилмас кети,
Шу дамларда ҳар қандай
йўлнинг
Пахта пункт, билсангиз, чети.
Шоферининг ҳам бурчи белгили:
Пахта чўкиб қолса туноҳдир.
Қоп-қанорсиз элтса кўпроғин,
Колхозига нафи кўп бўлур.
— Абдусалом — ажойиб
шофер,
Янгибой ҳам чакки йигитмас,
Эллик ёшли Қонқул жонбоз,—
дер
Ранс мақтаб тилидан қўймас.
Шоферларга тикилиб боқсанг,
Ҳорғинлиги «мана, мен» дейди.
Аммо, «чарчадингми?» десангиз,
Ўпкалайди, жеркиб ташлайди.
...Бардошига балли чинакам,
Лекин, оғирлиги рост, аниқ.
Чунки кунмас, ҳатто тунда ҳам,
Машиналар чироғи ёниқ.

БЮРОДА

Ҳар минутнинг ўз ўлчови бор,
Баҳо қўйса — зарга бериқсиз.
«Бундай кезда йиғинга не
бор?»
Деган эдик, рост гап, аввал биз.
Янглиш экан ўйлаганимиз,
Қисқа ўтди бюро мажлиси.
Аммо, эртасига билинди
Йиғилишнинг хосияти, изи.
Ҳеч ким ҳисоб бермади, лекин
Беш кунликка қилинди якун.
Калининчилар «Ленинизм»дан
Ўзибдилар, уларга таҳсин!
Калининчи ғолиблар яна,
Ким ўздида байроқни ютди.
Ютқизганлар Қизил байроқни
Чин кўнгилдан дўстларга тутди.
Ҳар тарафдан қочирим сўзлар...
— Майли, бу беш кун ғолиб
сизлар,
— Биз оламиз, хотиржам
бўлинг, —
Дейди бошқа бирови тағин.
— Бизда ортса, кейин... жим
бўлинг, —
Бунисида ишонч зўр, тайин.
Қизил байроқ олга чорлайди,
Ҳамма унга тикибди кўзин.
Кўзи эмас, алвон байроққа
Қўшиб тиккан ваъдасин, сўзин.
* * *
Пойариқда ёшу кексани,
Пахтазорда кўрасиз бугун.
Марра яқинлиги ҳаммани
Шижоатга йўллаган бутун.

Рустам РАҲМОНОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг махсус мухбири.

Т У Ҳ Ф А

Тушпайти. Қуёш ўзининг нурларини кенг пахтазорга аямай сочмоқда. Лўппи пахталар чаноқдан тошиб ётибди.

Эгат бошига биринчи бўлиб чиққан Ойнисахон этагидаги «оқ олтин»ни қанорга бўшатди. Унинг кетидан Сонахон, Назира, Раъно ва бошқалар ҳам ўз этакларини бўшатдилар.

Бу чевар қизларнинг ҳар бири хирмонга 8 тоннадан ошиқ «оқ олтин» тўкишди. Дугоналар ҳар куни 200-300 килограммга етказиб пахта теришмоқда. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли иккинчи бригада ҳозир колхозда пешқадамлар қаторида. Коммунист Тўлабек Чуланов бош бўлган бу бригада шу кунгача 260 тонна пахта топшириб, йиллик планни бажарини арафасида турибди.

Тошкент область, Оржоникидзе районидаги Киров номли колхозда маррага яқинлашиб қолган бундай илгор бригадалар кўп. Қурбон Раҳимов бошлиқ 4- бригада ҳам ҳозир планини 90 процент қилиб, съездга муносиб совға тайёрлаяпти.

— Колхозда шу кунларда иш қизғин. Ҳар куни йиллик планнинг 2,5-3 процентн миқдорида пахта топширялмиз, — дейди раис Нуриддан Fиёсов, — Терилган пахтамизнинг 90 процентн 10 та прицепда қоп-қанорсиз ташиладғир. Ҳозир йиллик планни 75 процентдан оширдик. Партиямиз XXII съезди ишлаб турган кунларда планни бажардик деб рапорт берамиз.

Ю. ЗИЁДОВ,
Б. РИХСИЕВ.

УЧУВЧИ ФЕДОТОВНИНГ ЖАҲОН РЕКОРДИ

Учувчи А. В. Федотов шу йил 7 октябрда «Е-166» реактив самолётида учиш тезлиги юзасидан жаҳон миқёсида абсолют рекорд қўйди. У, юз километрли бекик базада соатига 2385 километр йўл босиб ўтди.

Айрим участкаларда учиш тезлиги соатига 2730 километрга етди.

Ана шу жаҳон рекорди рўйхатга олиш учун халқаро авиация федерацияси (ФАИ)га тақдим этилади.

ЮРИЙ ГАГАРИНГА КОЛУМБ ОЛТИН МЕДАЛИ

РИМ, 13 октябрь, (ТАСС). Италия Республикасининг президенти Д. Гроники Юрий Гагаринга берилган Колумб олтин медалини неча ғенуяда СССР нинг Италиядаги элчиси С. П. Козиревга топширди.

Медаль Христофор Колумб Американи кашф этганлигига бағишланган байрамни йил сайин ўтказувчи ташкилот комитети номидан топширилди.

НИДЕРЛАНДИЯ ҲУКУМАТИГА ҚАТЪИЙ НОРОЗИЛИК

МОСКВА, 13 октябрь. (ТАСС). Совет ҳукумати Нидерландия ҳукуматига нота юборди. Бу нотада Голландия полиция маъмурларининг СССР фавқулодда ва мухтор элчиси П. К. Пономаренкога ва элчихонанинг дипломатия ходимларига нисбатан қилган қабиҳ ва шармандали ҳаракатларига қарши қатъий норозилик билдирилади ва айбдорларни жазолаш талаб қилинади.

9 октябрда совет туристлари группаси Амстердамдаги аэродромдан самолётда Совет Иттифоқига жўнаб кетган эди. ССР элчиси ва элчихона ходимлари уларни узатиб қолган эди. Самолётга чиқиш вақтида Голландия полициячилари совет граждани И. А. Алексеевнинг ўз ватанига қайтишига йўл қўймаслик мақсадида ғирғорлик уюштирдилар. Совет элчиси ва элчихона ходимлари граждан Алексеевани қонунга хилоф ҳаракатлардан сақлаш учун чора кўришга мажбур бўлдилар. Голландия полициячилари Совет Иттифоқи элчисини сурбетларча ҳақорат қилдилар ва унга нисбатан ҳамда совет элчихонасининг у билан бирга бўлган дипломатия ходимларига нисбатан жисмоний куч ишлатдилар.

Нотада айтиладики, Совет ҳукумати ўз элчиси П. К. Пономаренкони Нидерландиядан чақириб олишга мажбур бўлди. Айни вақтда Совет ҳукумати Нидерландия элчиси Генри А. Хелб жаноблариннг Совет Иттифоқида бундан буён туриши мумкин эмас деб қисоблайди.

Совет ҳукумати Нидерландиядаги совет дипломатларига нисбатан шу хилдаги ҳаракатларининг келгусида такрорланишига йўл қўймайдиган чоралар кўришни қатъий талаб этади.

ИҒВОНИНГ УЯСИ

Фараз қилинг: бир киши туҳмат тоши остида қолди. Шу киши қай аҳволга тушади? Ўзи нотинч, сарсон-саргашта, уйида бола-чақаси безовта, ишининг унуми йўқ, еган-ичгани заҳар-заққум бўлиб ўтади ва ҳоказо. Шу ҳолатда ана шу жабр-дийданинг ҳол-аҳволига қараб қандай киши хурсанд бўлади, қандай киши дўпписини осмонга отиб, қийқириб, чапак чалади? Албатта сиз: «Шундай қиладиган виждонсиз одам бўлармишми, бекорчи гап!» дейсиз. Йўқ, ундай деманг, шу тоифадаги одамлар ҳам гоҳ-гоҳ учраб туради.

Мана Усмон Гузаировни олайлик. Сиз уни қандай одам деб ўйлайсиз? Юқорида айтилган тоифадан нимаси кам экан? Ортиқлиги бўлса борки, аммо камлик жойи йўқ. Гузаиров бирон ташкилотнинг ходимига туҳмат ташлайдида, уни идорама-идора сарсон қилиб қўйиб, орқасидан қотиб-қотиб кулади. Гузаиров билан учрашган киши албатта ундан олдин салом бериши, қўлини ҳам ундан олдин узатиши керак. Акс ҳолда бошига бир бор қоп галвани сотиб олган бўлади. Учрашилди, ошхонами, ресторангами кирилди, шунда албатта «Усмонжон ака, нима ейсиз, нима ичасиз?» деб қошида гирдикапалак бўлиб туриш керак. Шундай қилинмаса учрашган киши ўша куннинг эртасигаёқ яхлит туҳматга қандай дучор бўлганини ўзи билмай қолади. Гузаиров ишлайди. Ўша ишхонада бошлиқ ҳам бор. Ўша бошлиқ Гузаировни кўнгли хоҳлаган вазифага икки қўллаб ўтказиб қўйиши ва ботбот унинг олдига келиб, елкасига қоқиб: «Яшанг Усмонжон ака, оламда сиз бору биз бор» деб хушомад қилиб туриши керак. Бордию шундай қилинмади, бошлиқ ҳаммага қилинадиган муомала билангина чекланди. Унда иш чаппасидан кетди деяверинг. Гузаиров уйига бориб, тахта-тахта қоғозларга шикоят ёзади: «бошлиғимиз тўра», «порахўр», «хотинбоз», яна аллақайси гўрдаги гаплар... Қарабсизки, комиссия кетидан комиссия мажлис кетидан мажлис!

Гузаиров фалакнинг гардиши билан Урсатьевскдаги кондукторлар тайёрлов мактабига кириб келди.

— Мен ҳам старший кондуктор бўлмоқчиман, — деди у.

— Жуда соз. марҳамат! — дейишди мактаб раҳбарлари.

Лекин мактабда Гузаировга ҳеч нима ёқмади, табиати тирриқ бўлиб юрди.

— Мен старший кондуктор эмас, бош кондуктор бўламан, — деди бир кун мактаб раҳбарларига. — Марҳамат қилиб тўғриланг!

Тўғрилашди. Лекин ҳамон кўнгли тўлмади. Кўзига мактаб раҳбарлари тўра, ишдош ўртоқлари эса нопок бўлиб кўринди. «Буларнинг бир балоси бор, тўхтаб турсин, ўзим пўстагини қоқаман ҳали» деб юрди ичида. Енг шимариб шикоят ёзишга тушди. Бир шикоят нотўғри топилса, иккинчисини тайёрлади. Янгинер шаҳар партия комитетига, Тошкент область партия комитетига кўп нусхали хатлар ёғилиб кетди. Дастадаста шикоятларни қўлтиқлаб комиссия боради, неча кунлаб текширади, гувоҳ-исбот қидиради. Қараладики, натижа пуч, бироз нарса исбот этилмайди. Комиссия орқасига қайтади...

Ким кўрингани виждонсизликда, қўли эгриликда айблайдиган Гузаиров кўзбўямачиликка, очиқдан-очиқ туҳмат қилишга ўтиб олди. Кунлардан бир кун унинг бу кирдикори очилиб қолди. Унга виговор эълон қилишди.

— Ия, ҳали шунақами? — деди у. — Мен сенларнинг кўзингни бир очиб қўймасам бўлмас экан!

Иш кетди. Шаҳар, область, республика ташкилотлари шикоят устига шикоят ола бошлади. Кондукторлар тайёрлаш мактабининг жамоат ташкилотлари, йўллар бўлимининг раҳбарлари «ошна-оғайнигарчиликда», «амалпарастликда» ва яна аллақандай ножўя ишларда қораланди. Яна комиссия, яна алғов-далғов. Натижа эса илгаригидай пуч.

Усмон Гузаировнинг укаси Мидҳат Гузаиров безориликда айбланиб, 5 йилга кесилган эди. Войбўй, шунда Усмон Гузаиров судья Умаровни не кунларга солмади! Қаёқдаги бўлмағур туҳматларни ташлаб, уни озмунча сарсон-саргардон қилдими?! Натижа нима бўлди денг? Илгаригидай бу гал ҳам пуч!

Совет кишисига номуносиб қилиқлари учун қайта-қайта дакки еган, жазолар олган Гузаиров ҳозир ҳам иғво йўлидан ҳормай-толмай шаҳдам қадамлар билан келмоқда. Ҳозир Урсатьевск ва бошқа жойларда уни исм-фамилияси билан аташмасдан, «иғвонинг уяси» дейишадиган бўлиб қолибди. Кишилар уни узоқдан кўрганларида дарҳол бир-бирларини туртиб: «Эҳтиёт бўл, иғвонинг уяси келяпти!» деб қўядилар.

Б. ЖУМАЕВ,
С. МАВЛОНОВ,
Урсатьевск резервининг бош кондукторлари.

Х. СПЕКТОР,
«Транспортний рабочий» газетасининг мухбири.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

Қанга пахта топширилди?

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг, ҳосилни қоп-қанорсиз ташишнинг бориши тўғрисида 1961 йил 14 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Пахта тайёрлаш — планга нисбатан, машина терими ва ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш — мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Пахта тайёрлаш			Пахтани қоп-қанорсиз ташиш
	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Машина терими	
Самарқанд	1,97	67,73	29,47	63,99
Андижон	1,44	64,51	26,85	74,94
Хоразм	1,66	63,41	8,92	25,25
Тошкент	1,89	61,95	33,35	63,48
Сурхондарё	1,24	61,85	34,48	65,62
Бухоро	1,14	57,73	13,66	48,97
Фарғона	1,10	53,02	5,97	48,97
Қорақалпоғистон АССР	1,49	47,42	10,69	23,11

А. ЗАВАДСКИЙ ТОШКЕНТДА

Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси А. Завадский Индонезиядан ўз ватанига қайта туриб 14 октябрда Тошкентга келди.

А. Завадскийни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. Сахибоев, республика министрлари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, Тошкент жамоатчилиги вакиллари кутиб олдилар.

А. Завадский ва унинг ҳамроҳлари бир оз вақт дам олганларидан кейин Тошкентдан Москвага жўнаб кетдилар. (ЎзТАГ).

БИР ХИЛ ШАРОИТДАГИ ИККИ РАЙОНДА

Қорақалпоғистон АССРнинг, Тўрткўл, Беруний ва Амударё районлари бир-бирига туташ, сув, иқлим шароити бир хил. Мўл ҳосил етиштириш учун ишчи кучи, техника етарли.

Бу имкониятдан тўла, унумли фойдаланган Тўрткўл районининг пахтакорлари бу йил ҳам мўл ҳосил етиштирдилар ва пахтани ўз вақтида ушоқсиз териб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Район колхозларида терим машиналаридан яхши фойдаланилмоқда, ишга яроқли кучларнинг 78-80 процентн пахта териш ва тайёрлашга сафарбар қилинган. Райондаги ишчи, хизматчилардан 3000 киши далага чиқиб пахта термоқда. 500 га яқин кексалар, пенсионерлар ҳам этак боғлаб далага чиқаётир.

Тўрткўл районининг коммунистлари ҳозирги вазиятни ҳисобга олиб, теримда намуна кўрсатаётирлар. Колхоз коммунистлари ўртасида пахтани кўп териш юзасидан социалистик мусобақа тобора қизитилмоқда. Масалан, «Қизил Ўзбекистон» колхозида 55 коммунист фақат терим билан банд. Коммунист М. Жуманазаров кунига 180-200 килограммдан «оқ олтин» тераётир. Унинг мавсумдан буён терган пахтаси 6 тоннага етди. Болтабоев, Худойберганов, Султонова сингари КПСС аъзоларининг ҳар бири теримда 2-3 нормани бажараётир.

«Партия XXI съезди» колхози пахта планини 75 процентга етказди. Барча теримчи ва машиналарнинг ишга тушишини, ёрдамчиларнинг фидокорона ишлашлари, далада оммавий-сиёсий ишлар кучайтирилганлиги, уларга яхши шароит яратиб берилганлиги туфайли кунига 3 процентгача пахта терилмоқда. Колхозчилар йиллик планни 20 октябргача бажариш учун курашаётирлар.

М. Горький номли колхозда машина терими намунали уюштирилган. Ҳар куни машина бункеридан 20-25 тонна пахта тўкилаётир. Механик-ҳайдовчи Жумагул Сафарова бир кунда 2000-2500 килограммдан пахта тераётир. Унинг терган пахтаси ҳозиргача 70 тоннага етди. Унинг дугонаси Айтгул Қорабоева эса бир неча кунда 75 тонна пахта терди.

Районда пахта нобудгарчилигига қарши кураш яхши уюштирилган. Тўкилган пахтани териб олиш учун пионерлардан дружиналар тузилди. яхши ишланлар мукофотланмоқда. Бу нарса айниқса Сталин номли колхозда яхши ташкил этилган.

Она-Ватанга 54 минг тонна пахта сотиш мажбуриятини олган Тўрткўл районининг механизаторлари ҳар куни 2 процентга етказиб ва баъзан ошириб пахта топширяётирлар. Уларнинг бутун эътибори Октябрь байрамигача мажбуриятни бажаришга қаратилган.

Аммо. кўшни Амударё районида аҳвол бутунлай бошқача. Район пахта тайёрлашда автоном республикада энг орқада қолаётир. Ҳар куни 1 процент ва баъзан ундан ҳам кам миқдорда пахта топширилаётир. Шундай қилиб Амударё Тўрткўл районидан 20 процент орқада бораётирки, бунга қандай баҳо берса бўлади?

Хўш, қолоқликнинг сабаби қаерда? Очиқ айтиш керакки, районда пахта териш ва тайёрлаш пухта уюштирилмаган. Пахта ялпи очилиб кетганига қарамай бутун куч ва машиналар теримга сафарбар этилмаган.

Район ташкилотларининг раҳбарлари «иш яхши бораяпти» деб мақтаган Сталин номли колхозда бўлдик. Пахта майдонларида теримчилар ва машиналар онда-сонда кўринади. Яхлит-яхлит пайкалларда 5-6 теримчи бўлади. Улар ҳам фақат аёллар.

Районнинг бошқа колхозларидаги сингари Сталин номли колхозда ҳам эркакларнинг асосий қисми енгил-елпи ишларда бўлиб, теримга қатнашмаётирлар. Колхознинг бригада хирмонларида 10-15 тагача эркак уймалашиб юради. Улар бир теримчи қиз келтирган пахтани хирмонга бўшатмоқ учун бараварига югуришади. Хирмондаги эркакларнинг ҳаммаси ёш, тоғни урса талқон қиладиган азамат йигитлар.

Колхозда 1500 теримчи ажратилган 700-800 киши далага чиқиб, ҳар куни 150 ўрнига 50-55 тонна пахта термоқда. Агар суръат шу аҳволда давом этаверса, пахта теримини йил охиригача ҳам тамомлаб бўлмайди.

Райондаги Энгельс номли, «Ленинизм», «Коммунизм» колхозларида ва «Магнит», Горький номли совхозларда машина терими жуда ёмон уюштирилган. Райондаги 70 машина бу йилги мавсумда бир килограмм ҳам пахта тергани йўқ.

Амударё райони пахта теримида республикада энг орқада қолаётганлигининг яна бир сабаби шуки, теримга яроқли кучларнинг ярми ҳам ишга қатнашмаётир. Теримчилар ўртасида социалистик мусобақа кучайтирилмаган, илғорларни рағбатлантириб турилмайди. Кўп жойларда мавсум бошидан бери теримчиларга аванс берилмаган.

Амударё далаларида пахта чамандек очилиб ётибди. Ҳар куни камида 2 процент ва ундан ҳам кўп пахта териш учун барча имкониятлар бор. Аммо, раҳбарлар ўртасидаги бепарволик, иўноқлик, колхозлардаги тартибсизлик ва уюшқоқсизлик пахта тайёрлашнинг суръий равишда кечиктирилишига сабаб бўлмоқда.

Амударёликлар Тўрткўл ва Беруний ликларидан ўрнак олиб, йиғим-теримда жиддий бурилиш ясамоқлари керак.

С. ЮСУПОВ,
С. МАДАМИНОВ —
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбирлари.

К. ЖУМАНИЁЗОВ,
Қ. ОТАЖОНОВ,
Б. ЖУМАНИЁЗОВ —
мухбирлар пости аъзолари.

Ҳ. ИКРОМОВ
«Қизил Ўзбекистон»нинг махсус мухбири.

Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

15 ОКТЯБРДА

12.00 — **Физкультура билан шуғулланинг,** 12.20 — **Инглиз тили дарси** (ўзбек тилида), 13.00 — **Гул ва сталиклар** (ўзбек тилида телевизион очерк), 13.20 — **Милтиқли киши** номли бадиий фильм, 18.30 — **Ухти-тухти** (болалар учун кўғирчоқ фильми), 18.55—**Энг кучли** (киноочерк), 19.05— **Телевизион янгиликлар,** 19.25—**КПСС XXII съезди делегатлари сўзлайди,** 19.45 — **Завод қиёфасини ўзгартиради** (илмий-оммабоп фильм), — 19.55 — **Бу — бутун республикага нерак** (кинохроника), 20.15 — **Тинчлик, меҳнат ва бахт** (ўзбек тилида адабий-музикали эшиттириш), 20.55 — **Севаман сени, ҳаёт** номли киноповесть.

16 ОКТЯБРДА

19.00 — **Эртага партия XXII съезди очилади** (телевизион янгиликларнинг махсус сони), 19.25 — **Ёшлар партия съездини кутлайди** (рус тилида), 19.45 — **Армия машъалларн** (Совет Армияси жангчилари учун), 20.00 — **Зангори ўт кишилари** (ҳужжатли фильм), 21.10 — **Ленин ҳаққида ёдгорлик ҳужжатлар,** 21.30 — **Концерт** (Ўзбек давлат филармониясининг симфоник оркестри ижросида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/X да эрталаб **Демон,** кечқурун **Маскарад.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/X да **Ганг дарёсининг қизи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—15/X да **Ошиқ Ғариб.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА —16/X кеч соат 8 да Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Галия Измайлованинг ижодий кечаси.**

17/X да **Катта концерт.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 15, 16, 17, 18/X да **Парад-пролог** ва **Грузин цирки артистлари гастролининг давоми.** 15/X да 3 марта томоша кўрсатилади.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Ленин йўлланмаси билан (эрталаб соат 10 да), **Темирчи байроғи** (кеч 8 да) — «ВАТАН».

Тонг — «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Шайтоннинг ҳам кучи етмади — «МИР», «ДРУЖБА» (2-залда), «НСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Гулбаҳор (ўзбек тилида)—НАВОИЙ номли (кеч соат 6.30 минутда).

Руль бошқарувчининг жасорати (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да), **Синов муддати** (кундуз 4 да) — «ЕШ ГВАРДИЯ».

Ярмарка — «ЕШ ГВАРДИЯ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

16 октябрда

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати

ГАЛИЯ ИЗМАЙЛОВАНИНГ

ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

(Шарқ халқлари рақслари)

17 октябрда

КАТТА КОНЦЕРТ

СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Мунаввара Турғунбоева,** СССР халқ артисти **Саодат Қобилова,** Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Галия Измайлова,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар ва солистлар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 34780. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри Р. 01755. Нашр. Б. 243.